



Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАРТИБОТЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармонида мувофиқ ҳамда лицензиялашни ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни бериш механизмларини янада соддалаштириш ва арзонлаштириш, шунингдек, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси,

Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг:

2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланадиган фаолиятнинг ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларнинг алоҳида турларини 1- ва 1-а иловаларга мувофиқ бекор қилиш;


фаолиятнинг лицензияланадиган турларини ва рухсат этиш характерига эга тартиботларни расмийлаштиришнинг муддатлари ва йиғимлари миқдорларини 2- ва 3-иловаларга мувофиқ қисқартириш;

рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни ва лицензияларни олиш тартиботларини янада қисқартириш ва соддалаштириш тўғрисидаги таклифлари 4-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда.)

ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАЛАРИ

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda



Навоий шаҳрида "Истиқлол ғунчалари" анъанавий болалар ижодиёти фестивали бўлиб ўтди.

Тадбирда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган замонавий шароитларда билим олиши учун барча имкониятларни яратиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни тўғрак машғулотларига кенг жалб қилиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-

камасининг 2011 йил 28 февралдаги "Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилган фестивалда ёшлар томонидан яратилган маҳсулотлар кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Унда бой миллий маданиятимизни ёрқин акс эттирувчи 40 мингга яқин ижод намуналари намойиш қилинди.

(Давоми 3-бетда.)

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Хар бир инсон фарзанди ўзида кўра яхшироқ, фаровонроқ яшашини истайди ва бунинг учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга интилади. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

ЎЗА МУХБИРИ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Файзулла АХМЕДОВ билан мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари ҳақида суҳбатлашди.

— Истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз раҳнамолигида таълим-тарбия соҳаси, кадрлар тайёрлаш мақсади ҳамда ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, янги ижтимоий онгни шакллантириш

вожси устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган, — дейди Ф.Аҳмедов. — Таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш соҳасини мутлақо янги асосда ташкил этиш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Мактабгача таълим,

2014-yil — Sog'lom bola yili

умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат узлуқсиз таълим тизими жорий этилди.

Мамлакатимиз тараққиётига дахлдор долзарб масалаларни ўзида қамраган, дунёда ноёб саналган таълимнинг миллий моделини ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида қабул қилинган бир қатор давлат дастурлари ихро-

си натижасида эришилган ютуқлар бугун нафақат халқимиз томонидан, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда.

— Таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар аввало нималарда кўзга ташланади?

— Бугун юртимизнинг ҳар бир шаҳару қишлоғида замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган таълим муассасалари, том маънода,

маънавият ва маърифат масканларига айланмоқда. Уларда яратилган кенг имкониятлар, замонавий ўқув воситалари, ахборот-коммуникация технологиялари фарзандларимизнинг илм-фан ютуқларини ўзлаштириши, маънан ҳамда жисмонан баркамол бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда. Юртимизда 9+3 тамойили асосида 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилган.

(Давоми 3-бетда.)

БЎЛАЖАК ФЕРМЕР

амалиётни қаерда, қандай ўтайти?

Жорий йилда Жиззах вилоятидаги 22та қишлоқ ва сув ҳўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежини 5185 нафар йигит-қиз тугатади. Айни кунда уларнинг назарий ва амалий билим, касб-хунар малакаларини мустақамлаши учун зарур шарт-шароит, имкониятлар яратилапти.

5-бет

УЧ АКА-УКА ГОЛИБЛАР

бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд

Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Болтали маҳалласидаги Бекназаровлар хонадонидан уलगўётган уч фарзанднинг учови ҳам кимё фанидан халқаро Меңделеев олимпиадасида иштирок этиб, муносиб ўринларни эгаллаган.

7-бет

МИЛЛИЙ МУСИҚАНИНГ ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИРИ

«Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани аста-секин тебратиш, иккинчиси эса уни ухлатиш. Ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Иккинчи жиҳатини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадан тарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади».

8—9-бетлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАРТИБОТЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси лицензия ва рухсат этиш характериға эға ҳужжатларни бериш бўйича ваколатли органлар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан биргаликда:

2015 йил 1 январгача бўлган муддатда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашда "бир дарча" тамойилини қонун ҳужжатлари даражасида жорий этишни 5-иловаға мувофиқ таъминласин;

тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия келишувлари шартларини бажариш бўйича даврий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиб бориш учун дастурий махсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни 2014 йилнинг охиригача тамомласин.

3. Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали тадбиркорлик субъектлари учун устувор интерактив хизматларни жорий этиш бўйича лойиҳалар рўйхати 6-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қўйидагиларни таъминласин:

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини ва рухсат этиш тартиботларини расмийлаштиришни электрон шаклга ўтказиш, шунингдек, давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро электрон ҳамкорлигини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ишларни муво-

фиқлаштириш ва тизимли мониторинг қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2014 йилнинг охиригача Коммунал хўжалик ва уй-хўжалик фонди порталини электрон тўлов тизимлари ва коммунал хизматларнинг биллинг тизимлари билан бирлаштириш йўли орқали мазкур портални такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда тадбиркорлик субъектлариға ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, реал вақт режимда ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида хабар бериш бўйича хизматлар кўрсатиш имкониятларини назарда тутиш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тадбиркорлик субъектлариға 2013—2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури доирасида ишлаб чиқилаётган ахборот тизимларидан беғул фойдаланиш имкониятини яратиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда 2014 йил 1 октябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида қўйидагиларни амалга ошириш имконини берадиган махсус "тадбиркорлик субъектининг кабинети" ишлашини таъминласин:

молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерак-

тив расмийлаштириш ва тақдим этиш;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, коммунал тўловларни, лицензия ва рухсат этиш характериға эға ҳужжатлар бўйича қўриб чиқишда ва уларни олишда тўланадиган йиғимларни ва давлат божларини Интернет-банкнинг тизими орқали тўлаш;

маълумотномалар олиш ва бошқа интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш.

5. 2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик субъектлариға "бир дарча" тамойили бўйича электрон шаклда қўйидаги жараёнларни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тартиб ўрнатилсин:

тадбиркорлик субъектларининг уларни Маҳаллийлаштириш дастуриға киритишға доир талабномаларини қўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигиға, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигиға, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасиға тақдим этиш;

миллий валютада бир йилгача бўлган муддатға кредит олишға доир ҳужжатларни хизмат кўрсатувчи тижорат банклариға тақдим этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлик

субъектларининг молия-хўжалик фаолиятиға ноқонуний аралашиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча қоғозбозликка йўл қўйиш ҳолатлари учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслариға нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтиришни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни икки ой муддатда белгиланган тартибда киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мамлакатимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг ёритиш юзасидан ҳар бир ҳудудда тадбиркор ўтказсин.

7. Иқтисодиёт вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда рухсат этиш характериға эға ҳужжатлар ва лицензияларни бериш тартиботларини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларға 2014 йил 1 июнғача тегишли ўзгартишлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасиға юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 апрель



ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч bosqichli узлуксиз спорт мусобақаларининг ўрта бўғини — "Барқамол авлод" ўйинлари бу йил Наманган вилоятида бўлиб ўтади.

Шу кунларда вилоятда ёшларнинг ушбу спорт байрами юқори савияда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда. "Барқамол авлод — 2014" мусобақалариға тайёргарлик кўриш, ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича вилоят штаби раҳбари, Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Пахриддин МАТКАРИМОВ ЎЗА муҳбириға қўйидагиларни гапириб берди:

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган уч bosqichli спорт мусобақалари навқирон авлодни jismonan sog-

lom, ma'nan yetuk insonlar etib tarbiyalash, sog'lom turmush tarzini qaror toptirishda muhim omil bo'lib xizmat qilmoqda. "Барқамол авлод — 2014" мусобақалари мамлакатимиз спортсевар ёшлари учун ўзига хос маҳорат мактаби вазиғасини ўташиға шубҳа йўқ.

Мусобақалар бўлиб ўтадиган ва иштирокчилар яшайдиган объектларнинг ҳар бирида алоҳида штаб тузилиб, ушбу масканлар ва уларнинг атрофида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Наманган шаҳридаги олти объектда спортнинг 16 тури бўйича беллашувлар бўлиб ўтади. Жумладан, На-

манган Олимпия захиралари коллежида баскетбол, "Дўстлик" теннис кортида теннис, стол тенниси, "Паҳлавон" спорт мажмуасида бадий гимнастика, "Барқамол авлод" спорт мажмуасида энгил атлетика, гандбол, оғир атлетика, футбол, шахмат, сузиш, Наманган муҳандислик-педагогика институти спорт залида волейбол, Олий спорт маҳорати мактабида дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, тазквондо WTF бўйича финал баҳслари ўтказилади. Меҳмонлар Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган шаҳар хизмат кўрсатиш, 1-тиббиёт, Давлатобод энгил санат коллежларининг турар жойлари, "Дўстлик" теннис корти меҳмонхонасига жойлаштирилади.

Тадбирнинг тантанали

очиғиш ва ёпиғиш маросимлари "Навбахор" марказий стадионида ўтказилиши кўзда тутилган.

Ёшлар спорт байрамиға икки минг нафардан ортиқ меҳмон, жумладан, минг нафарға яқин спортчи, икки юз йигирма нафардан зиёд мураббий, бир юз қирқ нафар ҳакам, шунингдек, спорт федерацияларининг ўн беш нафар вакили ҳамда уч юз элликлдан зиёд хореография гуруҳи аъзоси ташриф буюриши кутилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг 140 нафар ходими мусобақаларни ёритиб боради. Уларға "Барқамол авлод — 2014" мусобақасининг матбуот ва ахборот марказида барча зарур шароит яратилиб, мувофиқлаштиручи ишчи гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди. Алоҳида веб-сайт ишға туширилди.

Спортчилар учун мусобақа доирасида вилоят марказининг диққатға сазовор жойлариға саёҳат, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Мусобақа қатнашчилари Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, "Қамолот" ёшлар боғи, "Қичкинтой" боғида таниқли хонандалар, актёрлар, адилблар, спортчилар билан ижодий учрашувлар ўтказилади. "Истиқлол", "Ифтихор қийим санат" сингари замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишади.

Мусобақа кунлари жойларда "Ўзбекино" Миллий агентлиги вилоят бўлими томонидан ҳужжатли ва бадий фильмлар, Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида спектакллар намойиш этилади. Боғлар ва хиёбонлардаги маданий тадбирларда фольклор-этнографик жамоалар, ашула ва рақс ансамбллари, эстрада гуруҳлари хизматда бўлади.

**ЎЗА муҳбири
А.САТТОРОВ
ёзиб олди.**

2014-yil 16-aprel, № 31 (8680)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида 8501 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 351 янги мактаб қурилган бўлса, 2470 таси реконструкция қилинди, 3608 мактаб капитал таъмирланди ва 2072 таси жорий таъмирдан чиқарилди.

Қайта тиклаш ишлари амалга оширилган мактабларнинг 81 фоизи қишлоқларда, 3 фоизи бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган бўлиб, бу билан шаҳар ва қишлоқ мактаблари орасидаги тафовут бартараф этилмоқда.

Гарчи давлат дастурида белгиланган барча вазифалар ўз вақтида ва ортиғи билан бажарилган бўлса-да, мамлакатимизда умум-

тимедия дастурий воситалари яратилиб, таълим жараёнига муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Мультимедиа умумтаълим дастур-ларини ривожлантириш маркази ташкил этилган бўлиб, бугунги кунга қадар марказ томонидан 120 дан ортиқ электрон дарслик, виртуал лаборатория ишлари ва бошқа турли мултимедиа ресурслар яратилиб, ўқув-тарбия жараёнида муваффақиятли қўлланилаётди.

Таъкидлаш жоизки, 1991 йилда мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиши 55,4 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2014 йилга келиб 99,4 фоизга етди. 2004—2014 йиллар давомида жами 195 миллион 966 мингдан зиёд нусхада дарслик чоп этилиб, ижара ти-

теъдодли ўқувчи-ёшлари халқаро миқёсда ўтказилаётган нуфузли фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, фестивалларда юқори натижаларни қўлга киритаётгани Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган эзгу гоёси ҳаётда ўз исботини топаётганига ёрқин далилдор.

Иқтидорли фарзандларимиз халқаро фан олимпиадаларида 20 олтин, 49 кумуш, 88 бронза — жами 157 медални қўлга киритди. 2008 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этган 15 нафар ёшларимиз юқори натижа кўрсатиб, 1 олтин, 1 кумуш ва 11 бронза — жами 13 медални қўлга киритгани барчамизни гурурлантирди. 2013 йилда юртимизда ўтган

юксак эътибор, яратилаётган замонавий шарт-шароитлар натижасида ўқувчиларнинг халқаро танловларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳамда ушбу танловларнинг географияси кенгайди. 2008—2013 йилларда 350 нафар истеъдодли ўғил-қиз Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Руминия, Голландия, Польша, Россия, Озарбойжон каби давлатларда ўтказилган турли нуфузли халқаро танловларда иштирок этиб, юксак натижаларга эришди.

— Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Мазкур қарордан кўзланган асосий мақсад чет тилларни мукамал биладиган ёшларимиз сафини кенгайтириш, уларнинг халқаро майдонларда ўз салоҳиятини намойён қилиши учун барча шарт-шароитни яратишдан иборат.

Ушбу ҳужжат мамлакатимизда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Қарор асосида 1-синф ўқувчиларига ҳафтасига икки соатдан чет тили фани ўқитилмоқда. Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида 1-синфлар учун инглиз, немис ва француз тилларидан дарсликлар яратилди.

Таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш олдимиздаги энг устувор вазифадир. Жумладан, 2013-2014 ўқув йилидан жорий қилинган чет тилини ўқитиш тизимини қарорда кўзда тутилган даражада ташкил этиш, мактабга қадам қўйган 500 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз орқали уларнинг оиласига кириб бориш, мактабгача, умумтаълим ва мактабдан ташқари таълим тизимида чет тилини ўқитишни тақомиллаштиришга эришиш лозим. Шу билан бирга, ёш, малакали мутахассислар ҳисобига мавжуд эhtiёжни қоплаш, чет тили фани ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш долзарб масалалардандир.

ЎЗА мухбири
Абдуҷалол ТАЙПАТОВ
сўхбатлашди.

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

таълим мактаблари қурилиши билан боғлиқ ишлар изчил давом этирилмоқда. Бунинг натижасида 2011—2013 йилларда 428 янги мактаб биноси қурилди, 3006 мактаб биноси ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мукамал реконструкция қилинди, 4083 мактабнинг бино ва иншоотлари мукамал таъмирдан чиқарилди. Ушбу мақсадлар учун жами 2 триллион 129 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган ҳар бир таълим муассасасининг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, янги авлод дарсликлари ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, 2004 йилда 14 фоиз мактаб компьютер билан таъминланган бўлса, бугунги кунда энг сўнги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган мактаблар 9656 тани ташкил этади.

Барча ўқув фанлари бўйича электрон ўқув воситаларининг яратилиши мазкур фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради ва ўқувчиларнинг мазкур фанларни чуқур ўзлаштириши самарадорлигини оширади. Умумтаълим мактаблари учун давлат таълим стандартларига мувофиқ юқори самарали мултимедиа иловалари ҳамда электрон ўқув адабиётлари ва қўлланмаларни яратиш дастури доирасида ўқув фанлари бўйича 119 номдаги муль-

зими орқали ўқувчиларга етказиб берилди. Шундан муайян қисм дарсликлар давлат ҳисобидан кам таъминланган оила фарзандлари учун бепул ажратилди. Биринчи синф ўқувчиларига ҳар йили 12 хил ўқув қуроллари билан бирга барча дарсликлар Президент совғаси сифатида тақдим этилади.

— Истиқлол фарзандлари — бугунги мактаб ўқувчилари дунёқараши, маънавий оламида юз бераётган ўзгаришлар, истеъдодли ўғил-қизларимиз эришаётган муваффақиятлар тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Замонавий таълимни ҳар томонлама қулай бино ва иншоотлар, ўқув ва амалий машғулот қуроллари, лаборатория ускуналари, компьютер техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ булар соҳа ривожининг бир жиҳати холос.

Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда таълим-тарбиянинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Фарзандларимиз халқимизнинг асрлар давомида эъзозлаб келган ўлмас қадриятларини қалбига чуқур сингдириши баробарида, дунёнинг энг илғор фикри билан танишиш, уни таҳлил этиш ва ўз қарашини эмин-эркин шакллантириш имкониятига эришди. Бу ёшларимизнинг тафаккури озод бўлди, унинг уфқлари кенгайди деганидир.

Таълимнинг узвийлигини таъминлаш юзасидан олиб борилган улкан ишлар ўзининг амалий натижаларини бера бошлади. Юртимизнинг ис-

47-халқаро Менделеев олимпиадасида ёшларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини муштахкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори мазкур тизим ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Амалга оширилган ислохотлар самарасида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси тубдан янгиланди. Мазкур муассасаларга ўқувчи-ёшларни қамраб олиш кўрсаткичлари ошди, бугунги кунда 52 минг нафарга яқин ёшлар мусиқа ва санъат сирларини ўрганмоқда. Натижа ҳам шунга яраша салмоқли. Мусиқа ва санъат таълим муассасаларида тахсил олаётган ўқувчиларимиз дунёнинг қўллаб-даватларидаги нуфузли танловларда иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритаётгани бунинг амалдаги тасдиғидир.

Ҳозирги кунда халқ таълими тизимида 298 болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 3 ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи фаолият кўрсатмоқда. 2009-2013 йилларда 230 янги болалар мусиқа ва санъат таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар замонавий ва миллий мусиқа қолғулари, меъбел ва ускуналар билан тўлиқ таъминланди.

Давлат дастури асосида мусиқа ва санъат таълимга берилаётган



(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Мактабдан ташқари таълим тизимига илғор педагогик услуб ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда ўқитиш-

нинг янги шакллари жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Абдухалиқ Жўраев. — Вилоятда


ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАЛАРИ

фаолият юритаётган 11 «Баркамол авлод» болалар марказида зарур шарт-шароитлар яратилган. Ушбу марказлардаги 158 тўғаракада 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 3 минг 550 нафардан зиёд ёшлар турли йўналишларда касб-хунар ўрганаётди.

— Фестивалда миллий ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича иштирок этдим, — дейди Навоий шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби ўқувчиси Аваз Элбоев. — Бундай фестиваллар биз,

ёшларнинг ўз иқтидор ва салоҳиятимизни янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир шаҳардаги «Амфитеатр» мажмуасида ташкил этилган катта концерт дастури билан якунланди. Миллий анъана ва қадриятларимизни ёрқин ва теран акс эттириш борасида ташаббус кўрсатиб келаётган тўғарақлар, ижодий марказлари ҳамда уларнинг тарбияланувчиларига бир қатор номинациялар бўйича диплом ва эс-



далик совғалари топширилди.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири
Сирожа АСЛОНОВ (ЎЗА)
олган суратлар.

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Тошкентда «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифалари мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Фукарolik жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда оммавий ахборот воситаларида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг тезкор, сифатли ва ҳар томонлама ёритилишини таъминлаш масалалари муҳокама этилди. Шундан кейин чиккан ҳолда, журналистларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан самарали ҳамкорлигини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари амалга оширилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб маҳоратини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Анжуманда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашни кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш бўйича фикр алмашилди.

❖ Марҳамат туманида «Қиз боланинг касби — унинг бахти» шиори остида фестиваль бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда ўқувчилар, ота-оналар, педагоглар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида касб-хунар коллежларининг тақдимот кўргазмаси ташкил этилиб, унда ўқувчилар ўзлари қизиққан мутахассислик ва йўналишни танлаш, ўрта махсус таълим муассасаларидаги шарт-шароитлар билан ақидан танишиш имконига эга бўлди.

— Ўзим қизиққан соҳа бўйича тўлиқ маълумот олдим, — дейди 30-умумтаълим мактаби битирувчиси Марҳаб Каримова. — Биз, ёшларга ўзимиз истоган соҳада ўқишни давом эттиришимиз учун яратиб берилаётган имкониятлардан хурсандимиз.

Фестиваль доирасида ўтказилган ишонлар танлови, расм чизиш танлови, ўқувчилар томонидан тайёрланган қўл меҳнати буюмлари, бадий ижод намуналари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

❖ Навоийда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Солиқ билимлари — болаларга!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган танлов ўқувчиларнинг солиқ соҳасига оид билимларини янада бойитишга хизмат қилаётди.

Танлов шартларига кўра, умумтаълим мактабларининг 1—4-синф ўқувчилари «Солиқ тўғрисидаги тушунчалар акс эттирилган расмлар чизиш», 5—9-синф ўқувчилари «Солиқ мавзусини ҳикояларда акс эттириш», академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари «Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати» мавзусида ишчи ёзиш ҳамда «Солиқлар нима учун тўланади ва нималарга сарфланади?» мавзусида компьютер тақдироти бўйича беллашди.

Кармана туманидаги 27-умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Эркабб Ходиев, Зарафшон шаҳридаги 3-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Ситора Тоҳирова, Қизилтепа қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси Озода Махмудова, Навоий информатика ва электрон sanoati касб-хунар коллежи ўқувчиси Гулрух Мирзақуллова ўз йўналишларида ғолиб деб топилди.

❖ Тошкент давлат юридик университетиди «Суд-ҳуқуқ ислохотлари устувор йўналишларида бўлган жиноий-ҳуқуқий қонунчиликни такомиллаштиришда ёш олимларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, олимлар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ошириш бўйича самарали тизим яратиш, шу орқали ёшларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ҳар томонлама етук, салоҳиятли ёшлар юрт тараққиёти учун масъулиятни, жамиятда кечаётган жараёнларга дахлдорлик туйғусини чуқур англаб етмоқда. Ёш ҳуқуқшуносларнинг суд-ҳуқуқ тизимидида ислохотларни қўқурлаштиришга оид илмий изланишлар олиб бораётгани шунини тасдиқлайди. Жорий йилда «Ёш олимлар» танловида улардан 140 нафари иштирок этди.

Тадбирда маърузада фол иштирок этган ёш олимларнинг турли мавзулардаги маърузалари тингланб, муҳокама этилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Қизиқарли дарслар

ўқувчини изланишга ундайди

Янгийўл туманидаги Гулбахор санат касб-хунар коллежиди «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиш жараёнига инновацион педагогик технологияларни жорий этиш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси масъул ходимлари, олий таълим муассасалари ўқитувчилари иштирок этди.

— Йилдан йилга ўқувчиларнинг дунёқараши кенгайиб, тафаккури теранлашмоқда, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Зулфия Қўндузова. — Бу, ўз навбатида, уларга таълим-тарбия бераётган ҳар бир ўқитувчидан тиним-

сиз изланишни, дарс ва машғулотларни янги услубда, қизиқарли ва самарали тарзда ташкил этишни талаб этади. Шу маънода бугунги семинар бу ерда ҳозир бўлган ўқитувчи-мураббийларга иш фаолиятини янги босқичга кўтариш учун муҳим назарий билимлар берди. Энг муҳими, иш-тирокчилар илгор тажрибалар бўйича фикр алмашилди.

Семинар давомида йиғилганлар таълим-тарбия жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш орқали ўқув машғулотлари самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билими, фикрлаш даражаси, қизиқишини оширувчи усуллар хусусида мутахассислардан атрофлича маълумот олдилар.

Хайридин МУРОД

Натижалар яхши бўлди

Андижон вилоятида таянч таълим муассасаси сифатида белгиланган 9та мактабда ҳам 2-синфлар учун чет тилдан яратилган янги дарслик макмуларининг тажриба-синов ишлари низоюсига етди.

Балиқчи туманидаги 39-мактабда иккита хона ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Экспериментатор-ўқитувчилар Сайёрахон Валиева ва Милохатхон Раҳмонқуллова асосан кичикинтилар, сўнгра ота-оналар билан ҳам ўйин, мультимедиа ва китоб воситасида машғул олиб борди. Мактабга ноутбуклар,

магнитли доскаларнинг берилиши тил ўрганиш жараёнида қўшимча имкониятларни яратди.

— Натижалар яхши, — дейди директор Фаридохон Ёйдошова. — Болалар ҳозирданок инглиз тилида бийрон сўзлашишни ўрганиб олишди. Ота-оналар учун ҳам дарслар ташкил этилган эса, улар-

нинг ўз фарзандларига ўргатиши ва бирга ўқиб-ўрганишида қўл келаяпти. Бундан буён катта ёшдагилар учун ҳам курслар ташкил этиш ниятидамиз.

Таълим муассасасида «Чоршанба — чет тиллар кун» деб эълон қилинган. Шу кунги ўзаро мулоқотларда ўзбек ва чет тилларида гапирилади. Бу эса ўқувчи ва ўқитувчилар учун қулай муҳит вазифасини ўтамоқда.

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

«Ҳуқуқшунослар» ғолиб

Дўстлик туманида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги «Ҳуқуқ билимдонлари» кўрик-танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Уч шарт асосида беллашувга киришган 16 жамоа ёшлари ҳуқуқий билим ва кўникмаларини намойён этишди.

— Ўқувчиларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини янада ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда бу каби танловларнинг аҳамияти катта, — дейди туман кенгаши депутати Г.Холмуродова. — Танловга тайёргарлик жараёнида ўқувчилар Конституциямиз мазмун-моҳиятини янада пухта ўрганиб бормоқдалар. Бу эса уларнинг

жамиятда ижтимоий фаоллигини оширади. Якуний натижаларга кўра, тумандаги 18-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг «Ҳуқуқшунослар» жамоаси 1-ўрин, 6-умумтаълим мактабининг «Тафаккур» ва 10-умумтаълим мактабининг «Адолат» жамоалари 2-ўрин банд этишди. 2-умумтаълим мактабининг «Ҳуқуқ ҳимоячилари» жамоаси эса 3-ўринни эгаллади.

Танлов ғолиблари туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

С.ТОҒАЕВ,
Дўстлик тумани ХТМФМТТЭ бўлимининг
маънавий-ахлоқий тарбия шўъбаси раҳбари

Янги ғоя ва ташаббуслар юзага чиқди

ТДИУ қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабиди «Соғлом бола йили»га бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказилди. Икки кун давом этган анжуманда ўқитувчи ва ўқувчилар учта шўъбага бўлинган ҳолда иш олиб боришди.

«Математика ва информатика фанлари», «Физика, кимё, география, биология», «Она тили ва адабиёт, ҳорижий тиллар», «Маънавият ва тарих фанлари» шўъбаларидаги маърузаларда янги ғоя ва ташаббуслар юзага чиқди. Бу йилги конференциянинг ўзбек ва инглиз тилларида олиб борилгани унинг аҳамиятини янада оширди.

— Анжуман ўқувчиларнинг қизиқиш ва ижодий қобилиятини аниқлаш, ривожлантиришга хизмат қилди, — дейди

мактабнинг физика фани ўқитувчиси Баходир Ёйдошев. — Улар турли мавзуларда маъруза тайёрлаш жараёнида ўқув материалларини чуқурроқ ўрганишди, янги билимларни эгаллашди. Яна бир эътиборли жиҳати, шўъбаларда кўриб чиқилган масалалар ва уларнинг ечимини мутахассислар томонидан шарҳлаб берилди.

Нодира РЎЗИЕВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

«UZASBO» дастури ҳисоб-китобни энгиллаштиради

Учкўприк туманидаги 29-умумтаълим мактабиди «Электрон ҳисобот — бухгалтериянинг бугуни ва эртаси» мавзусида ўқув амалий-семинар бўлиб ўтди.

— Замонавий ахборот технологиялари ҳаётиимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб келмоқда. Бу ҳисоб-китоб ишларини ҳам энгиллаштиради. «UzASBO» дастури бўйича иш юритаётган ҳисобчилар электрон ҳисоботни тайёрлаш, назорат иш ҳужжатларини юритиш, 308, 292, 294-рақами билан юритиладиган китобларни тўлдиришда ахборот коммуникация тизимига мурожаат этади, — деди Учкўприк тумани молия бўлими бош ҳисобчиси Муртожон Охунов.

Ўқув семинарида мактаб ҳисобчиси Тоиржон Имомов ўз тажрибасидан келиб чиқиб, ишбу дастур бўйича юритилаётган меъёрий иш ҳужжатлари билан йиғилганларни таништирди.

— Дастур нафақат ҳисобчилар, балки мактаб раҳбарларининг ишини ҳам анча энгиллаштиради, — дейди Т.Имомов. — Чунки компьютерда давлат газнасидан олинаётган маблагнинг нимага сарф қилинаётгани, неча фоиз ўқитувчи қанча устама ҳақ олаётгани ҳақидаги маълумотлар яққол кўриниб туради. Истаган ўқитувчи ҳисобчиға ўз маоши қанчалиги ҳақида мурожаат қилиб, ундан қониқарли жавоб олиши мумкин.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

2014-yil 16-aprel, № 31 (8680)

БЎЛАЖАК ФЕРМЕР

амалиётни қаерда, қандай ўтаяпти?

Равот — Жиззах туманидаги ўзига хос жўрофий ўринга эга ҳудуд. Қишлоқ аҳли асосан лалми майдонларда деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Асосийси, улар лалми ердан мўл ҳосил олиш ҳадисини олган. Арпа ва бугдой, бошқа техник экинлар — масхар, кунжут, зиғирдан мўлжалдаги ҳосилни олишда раволикларга тенг келиш қийин. Шу боис ҳам қишлоқдаги болалар ёшлигидан оқ далага чиқиб, ота-бобосига ёрдам беради.

Жиззах тумани қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодий қасб-хўна қоллежи битирувчиси Муҳиддин Ҳўжанов ҳам асли деҳқон боласи. У айни кунда амалиётни ўташ учун у томонлама шартномани «Ҳўжанд Қаршибоев» фермер ҳўжалиги билан имзолади. Бу ҳўжаликка дадаси Алмурод раислик қилади. Муҳиддин ёшлигидан ўзларининг фермер ҳўжалигида меҳнат қилиб кўзи пишган. Ҳўжалик ихтиёрида 132 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, унда асосан бугдой ва арпа етиштирилади. Муҳиддиннинг нияти — амалиёт тугагач, ҳўжаликда доимий ишлаб қилиб, дадасига ёрдам бериш, коллежда олган назарий билимларини амалиётда қўллаб, фермер ҳўжалигининг иқтисодий жиҳатдан юқалишига ҳисса қўйиш.

Маъмур коллежни бу йил 297 нафар ўқувчи битиради. Маъмурият уларнинг ишлаб чиқариш ва дипломдаги амалиётни ўташини таъминлаш учун тумандаги турли ташилот, ҳўжалик ва қорхоналар билан икки томонлама шартномани йўлга қўйган. Бўлажак фермерларнинг амалиёт ўташ жараёни Зомин қишлоқ ҳўжалиги ва маиший хизмат коллежида ҳам намунали йўлга қўйилган. Ветеринария йўналиши битирувчиси Нуриддин Раҳмонов уч томонлама шартнома асосида амалиётни «Авазбек Маъмуров» фермер ҳўжалигида ўтамоқда. Фермер ҳўжалиги асосан чорвачиликка иқтисослашган. Бўлажак чорвадор чорва молларига ветеринария хизматини кўрсатиш борасидаги назарий билимларини амалиётда мустах-

камламоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, коллежнинг ўтган йилги битирувчилари айни дамда қизгин меҳнат билан машғул. Масалан, Бунёд Бердимуродов «Ўзбекистон» сув истеъмолчилар уюшмасига қарашли фермер ҳўжалигида иш юритувчи бўлиб фаолият юритапти. Суғориладиган майдонда пахта ва галла етиштириш сирларини тажрибали деҳқонлардан ўрганмоқда.

Ўзининг гўзал табиати, мусарфо ҳавоси билан ажралиб турадиган яна бир туман Бахмалдир. Туманда етиштирилаётган бахмал олмасининг довриги оламга кетган. «Бахмал олмасини емабсиз, дунёга келмабсиз» деган иборанинг айтилиши ҳам бежиз эмас. Тоғли воҳадаги ҳар бир хонадон олма етиштириш сир-асорларини яхши билади. Мустақил ҳаётга қадам қўётган йигит-қизларнинг ҳам олмани парваришлашга ихлоси баланд. Ўғилloi Янгибоева ҳам ана шундай қизқувчан ёшлардан бири. Сангзор қишлоқ ҳўжалиги қасб-хўна қоллежи битирувчиси амалиётни «Янгибой Аҳад» фермер ҳўжалигида ўташга йўлланма олди. Ҳўжалиkning 2 гектар боғи, 50 гектар галла майдони мавжуд. Ўғилloi ана шу фермер ҳўжалигида олма дарахтларига ишлов бериш, уни турли зараркунандлардан асраш сирларини ўзлаштирмоқда.

Шу коллеж ўқувчиси Азамат Жалилов ўрмон ва парк техник йўналиши битирувчиси. У ҳам олма дарахтидан юқори ҳосил олиш йўл-йўриқларини мукаммал ўрганишга аҳд қилган. Шу мақсадда амалиётни

туман ўрмон ҳўжалигида ўтамоқчи бўлаётди. Уч томонлама шартнома асосида келгусида доимий равишда ишлаб қилишни мўлжаллашди.

Жорий йилда вилоятдаги 75та қасб-хўна қоллежини 84та йўналиш бўйича жами 18242 нафар ўқувчи битиради. Жумладан, 22та қишлоқ ва сув ҳўжалиги йўналишидаги қасб-хўна қоллежларини 2013-2014 ўқув йилида 5185 нафар йигит-қиз тугатади. Айни кунда уларнинг назарий ва амалий билим, қасб-хўна малакаларини мустақамлаш учун зарур шарт-шароит, имкониятлар яратилапти. Қишлоқ ҳўжалиги коллежлари ихтиёридаги 245,7 гектар майдонда пахта, бугдой, арпа ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Богдорчиликка ихтисослашган ҳудудларда мевали дарахтлардан мўл ҳосил олиш, чорвачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари кўриляпти. Энг муҳими, коллежларга бириктирилган ташилот ва қорхоналар томонидан амалиётда қўлланилаётган техник воситалар ва бошқа зарур техника ва компьютер воситалари етказиб берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 январдаги «2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аҳдлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурининг энг муҳим устувори вазифалари тўғрисида»ги мажлис қароридида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб 2013-2014 ўқув йилида академик лицей ва қасб-хўна қоллежлари битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида маҳсус гуруҳ-



Jarayon

лар фаолият кўрсатмоқда. Коллежларда битирувчи қизлар бандлигини таъминлаш штаблари зарур компьютер жиҳозлари ҳамда телефон алоқаси билан таъминланган. Коллежни битираётган қизлар истикомат қиладиган маҳаллаларга маъсул педагоглар бириктирилган. Маҳаллалар томонидан қизларнинг аниқ иш жойлари ҳақида расмий рўйхатлар шакллантирилмоқда. Зомин қишлоқ ҳўжалиги ва маиший хизмат қасб-хўна қоллежини бу йил 177 нафар қиз битиради. Уларнинг барчаси уч томонлама шартнома асосида амалиётни ўташ жараёнида доимий иш ўрнига эга бўлади. Компьютер ва компьютер тизимларини созлаш, таъмирлаш йўналиши битирувчиси Динара Холбоева «Анвар У» кўп тармоқли хўсусий фермасида амалиётини ўтади. Келажакда у ана шу фермада уч томонлама шартнома асосида доимий ишлаб қолади.

— Коллеж битирувчилари ўзлари танлаган йўналиш бўйича малакали мутахассис бўлиш билан биргаликда тадбиркорликда ҳам имкониятини синаб кўришга ҳаракат қилмоқда, — дейди Жиззах вилоти ўрта маҳсус, қасб-хўна таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Нуриддин Мўминов. — Ана шу мақсадда битирувчилар ўртасида «Диплом билан бизнесга — 2014» лойиҳасининг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилди. Унда иштирок этган 847 нафар битирувчи уч

миллиард 431 миллион 900 минг сўм маблағ олиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, уларнинг кўпчилиги чорвачилик, паррандачилик ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга ҳисса қўиш ниятида эканини билдиришди.

Йигит-қизларимизнинг яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиб, юртимиз иқтисодиётининг ривожига муносиб ҳисса қўиш госяи ва истига билан яшаётгани кишини қувонтиради. Жиззах тумани қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиёт қасб-хўна қоллежи битирувчиси, бўлажак фермер Бунёд Келдибеков ҳам имтиёзли кредит олиб чорвачилик билан шуғулланмоқчи...

Коллеж битирувчиси келажакда ўз соҳасининг малакали мутахассиси бўлади, тадбиркорлик билан шуғулланадими, айни кунларда амалиётни кўнгилдагидек ўташи шарт. Шу маънода мустақиди ташилотлар, фермер ҳўжаликлари бўлажак фермерларнинг амалиёт ўташларига, назарий билимларини ишлаб чиқариш, ҳаёт билан боғлашларига амалий кўмак бериб, асосли тақлиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашапти. Зеро, коллеж битирувчиларининг касбий маҳоратлари ошишида, мустақил ҳаётга учирма бўлишида ёрдам кўрсатиш ҳар биримизнинг шарафли вазифамиздир.

Абдусаттор СОДИКОВ
Т.КАЙСАРОВ олган сурат.

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро илмий конференция бўлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 1 апрелдаги фармоишига мувофиқ ташилот этилаётган ушбу анжуманда АКШ, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Хиндистон, Миср, Индонезия, Саудия Арабистони, Кувейт, Россия ва Озарбойжон каби элликка яқин мамлакатдан олимлар, нуфузли халқаро ташилотлар раҳбар ва вакиллари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, экспертлар иштирок этиши кутилмоқда.

Бутун дунёда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша юқори бўлган. Хорижий мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар яратилган, улуғ аждодларимиз хотирасига ёдгорликлар барпо этилган.

Мустақиллик йилларида бу қизиқиш янада ортиди. Мамлакатимизда халқаро илмий-маданий ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди, ушбу мавзуга бағишланган йиллик илмий анжуманлар ташилот этилди. Буюк олим ва мутафаккирларимиз,

қадимий шахарларимизнинг юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди. Президентимиз раҳнамолигида улуғ алломаларимиз, азиз-авлиёларимиз қадамжолари обод этилмоқда. Миллий маънавий меросни тиклаш ва асраб-авайлаш, илм-фан ва таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган халқаро илмий конференция ана шу юксак эътибор, буюк аждодларимиз илмий меросига ҳурмат ва қизиқиш тобора ошиб бораётганига ёрқин далилдир.

Шарқ ва Фарбни ўзаро боғлаган, Буюк ипак йўлидаги турли цивилизациялар туташадиган муҳим чорраха саналган юртимиз азалдан олим уламо-лари, фозилу фузалолари билан доврўқ қозонган. Она заминимизда тугилиб, қамолга етган улуғ алломалар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар.

Буюк боболаримиз тафаккури ва даҳоси маҳсули бўлган минглаб асарлар, тарих, адабиёт, санъат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, кимё, астрономия, меъморлик ва бошқа соҳаларга оид ноёб қўлёмалар бизнинг

бебаҳо маънавий бойлигимиздир. Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай бой меросга эга бўлган халқ дунёда қамдан-қам топилади.

Ўлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этган Муҳаммад Мусо Хоразмий, қомусий олимлар Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, тиббиёт илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан Маҳмуд Замаҳшарий, ўзида мингдан зиёд юлдузлар ҳаракатини жамлаган астрономик ҳадвал яратган Мирзо Улугбек сингари улуғ мутафаккирларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бундай юксак ифтихор тугйуси бизни ҳеч қандам кам бўлмаган халқ сифатида фахр билан яшашга, аждодларга муносиб авлод бўлишга даъват этади.

«Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий конференциянинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, афсонавий Шарқ тимсоли Самарқанд — жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири, юзлаб аллома ва мутафаккирлар яшаб ижод қилган бой тарихий ва маданий меросга эга шаҳар. Бу ердаги обид-

лар, маданий ёдгорликлар аждодларимиз даҳосидан, олис ва буюк ўтмишдан сўзлайди. Самарқанднинг гўзал ва сўлим табиати, қадимий ва замонавий иншоотлари ҳар қандай одамни ўзига мафтун этади.

Анжуман иштирокчилари аниқ ва табиий фанлар соҳасида фаолият юритган Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий, тарихий ва фалсафий мероси, уларнинг астрономия, математика, география, геодезия, тиббиёт, фармакология, кимё, минералогия каби замонавий илм-фан шаклланиши ва ривожланишига қўшган улкан ҳиссасига оид масалаларни муҳокама қиладди, фикр ва тажриба алмашади.

Конференцияда Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ҳаёти ва ижоди, тарихий мероси ва илмий мактабларнинг фаолиятига бағишланган фильмлар намойиш этилади. Анжуман қатнашчилари Самарқанддаги тарихий, илмий ва маданий обидлар, истиклол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ўқув муассасалари фаолияти билан танишади.

Интернет тармоғининг www.msth.uz манзилда маъмур халқаро конференциянинг сайти ташилот этилган.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

СИРТҚИ ОЛИМПИАДА

дарс ва машғулотлар самарадорлигини оширади

Ўқувчиларнинг физика фанига қизиқишини ошириш, ularning aqliy va ijodiy tafakkurini, ilmiy va intellektual salohiyatini rivojlantirish, fanlararo bog'liqlikni ta'minlash, ularni qo'llab-quvvatlashda fan oyliklari muhim o'rin egallaydi.

Tajriba

ган. Фан ойлигини ўтказишдан олдин тадбирлар режаси тузиб чиқилади. Аниқ фанлар кафедраси йигилишида бу тадбирларни мазмунли, юқори савияда ўтказиш учун чора-тадбирлар белгиланади. Физика фани ойлигини намунали ўтказиш учун қақирқлар, деворий газеталар, лавҳалар, тадбирлар режаси ўқувчилар диққат-эътиборини тортадиган кўринарли жойга осиб қўйилади.

Физика фани ойлиги куйидаги режа асосида олиб борилади:

Тадбирлар мазмуни	Ўтказиш мuddати	Масъул
I. Физика фан ўқитувчиларининг илмий-методик ишлари 1. ДТС талабларига мос равишда гуруҳлардан назорат тестларини олиш. 2. Физика фани ўқитиладиган гуруҳлардаги ўқувчилар билим даражаси мониторинги ўтказилиб, кафедра йигилишида таҳлил қилиш. 3. Ўқитувчилар томонидан яратилган ўқув-услубий қўлланмаларни таҳлил этиш ва чоп этишга тавсия қилиш. 4. Аниқ фанлар кафедра йигилишларида «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари педагогларининг замонавий илгор педогогик ва ахборот-коммуникация технологияларини чуқур ўзлаштириши ҳамда уларни таълим жараёнига кенг татбиқ этиш» мавзусида давра суҳбати ташкил этиш. 5. Ўзаро дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш. 6. Электрон дарслик (ЭД), мультимедиялар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш.	1—5 апрель	Физика фани ўқитувчилари, аниқ фанлар кафедраси мудир ва аъзолари
II. Оқич дарслар Душанба 101-гуруҳда "____" мавзусида Сешанба 201-гуруҳда "____" мавзусида Чоршанба 204-гуруҳда "____" мавзусида Пайшанба 202-гуруҳда "____" мавзусида Жума 301-гуруҳда "____" мавзусида Шанба 302-гуруҳда "____" мавзусида	7—12 апрель	Ўқитувчи _____ Ўқитувчи _____ Ўқитувчи _____ Ўқитувчи _____ Ўқитувчи _____ Ўқитувчи _____
III. Физика фанига оид тадбирлар 1. "Қизиқарли физика" мавзусида беллашув. 2. Гуруҳлар ўртасида "Заковат" илмий-интеллектуал ўйинини ўтказиш. 3. Ўқувчиларни илмий-тадқиқот изланишга йўналтириш учун ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар бўйича танлов ўтказиш. 4. Физик олимларнинг фаолиятига оид илмий-назарий конференция ўтказиш. 5. Ўқувчилар томонидан ясалган техник қурилмалар танловини ўтказиш.	14—19 апрель	Физика фани ўқитувчилари, академик лицей жамоаси, ўқувчилар жамоаси
IV. Ўтказиладиган кўшимча машғулотлар 1. "Ёш физиклар" тўғрагида олиб бориладиган ишлар ҳисоботи, тўғрақ аъзоларининг тайёрлаган деворий газеталари, буклетлар, кўргазмалар куроллар танловини ўтказиш ва ижодий ишларини намойиш этиш. 2. Коинотни ўрганишдаги ютуқлар мавзусида маърузалар ташкил этиш. 3. Ўқитувчиларнинг дарс ишланмалари савияси ва салоҳиятига баҳо бериш. 4. "Сиртқи олимпиада"нинг навбатдаги босқичини ўтказиш. 5. Мунтазам равишда фан ойлукларини ёритиб бориш учун радио эшиттиришларини ташкил этиш ва фан ойлиги ўтказилиши ва натижалари борасида матбуот саҳифаларида чиқиш. 6. "Кичик академия" йиғилишларида ўқувчилар илмий ишларини муҳокама қилиш.	Апрель ойи давомида 21—30 апрель	Академик лицей директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, гуруҳ раҳбарлари, физика фани ўқитувчилари

7. Бухоро муҳандислик-технология институтини олимлари билан учрашувлар ташкил этиш.

8. Фан ойлигини якунлаш. Ойлик натижаларига кўра ҳар бир гуруҳ, ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчиларнинг рейтингини чиқариш ва рағбатлантириш.

Иқтидорли ўқувчилар билан машғулотлар ташкил этишда "Сиртқи олимпиада" муҳим аҳамиятга эга. Куйида фан ойлигида белгиланган режага мувофиқ тавсия этилган "Сиртқи олимпиада" масалаларини келтирамиз.

"Сиртқи олимпиада" масалалари.

Дарё бўйлаб саёҳат

1. Рустам дадаси билан моторли қайиқда дастлаб оқим бўйлаб, сўнгра оқимга қарши сузди. Бунда қайиқда боришга қараганда 2 марта кўп вақт кетди. Агар саёҳат давомидаги ўртача тезлик 12,8 км/соат бўлса, қайиқнинг ва сув оқимининг тезлигини топинг. Рустамнинг бу қалтис масаласини ечишга уриниб кўринг! (10 балл)

Мўтадил ҳарорат

2. Ҳаммомга тушган ўқувчи ҳажми 20 литр ваннада ҳарорати 40°C бўлган мўтадил сувда чўмилмоқчи. Қайноқ ва совуқ сувнинг ҳароратлари 100°C ҳамда 20°C га тенг. Ўқувчининг боши қотди: қайноқ сувдан жуда кўп аралаштирса бадани қуяди, акси бўлса шамоллаб қолади. Қани сиз топинг-чи, бундай ҳажм ва ҳароратли сув тайёрлаш учун неча литр иссиқ ва совуқ сув қўшиш керак бўлади? (5 балл)

Фотима холанинг чойнағи

3. Фотима хола антиқа "Тефал" электр чойнак харид қилибди. Унинг 3та улагичи бўлиб, биринчиси уланса биринчи чўлғам ва иккинчиси уланса иккинчи чўлғам ишлар экан. Холанинг айтишича, бунда чойнак тўла сув 3 дақиқа ва 1,5 дақиқада қайнар экан. Хола ҳали учинчи улагичини ишлатиб кўрмаган экан. Хўш, айтинг-чи, бу ҳолда чўлғамлар параллел уланган ҳолда ишласа, чойнақдаги тўла сув неча дақиқада қайнайди?(10 балл)

Заргар фойда қиладими?

4. Сизнинг фикрингизча, заргар ўз тилласини ернинг қайси нуқтасида (кутбларда, экваторда, ўрта кенликларда) сотса кўпроқ фойда қилади? Тилланинг нархи барча жойда бир хил. (5 балл)

Ўқитувчилар фан ойлигини ўтказиш даврида ўз ўқувчиларининг қизиқиш ва интилишларини зийраклик билан кузатиб бориши ва уларда ўз кучига ишонишдек муҳим хусусиятларнинг шаклланишига эришмоғи лозим. Фан ойлигини юқори савияда ўтказиш натижасида ўқувчиларнинг билим савияси ва ўқитувчиларнинг дарс бериш маҳорати ортишига эришилади.

Фан ойлиги якунида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари аниқланиб, таҳлил қилинади ва натижалар аниқ фанлар кафедраси йиғилишида муҳокама қилинади. Ўтказиладиган тадбирлар, оқич дарслар ва гуруҳдан ташқари ишларга Бухоро муҳандислик-технология институтини олимлар, ота-оналар, ҳомийлар ҳам жалб қилинади. Фан ойлиги якуни байрамона руҳда ўтказилади. Фаол иштирок этган ўқувчилар ҳамда гуруҳларнинг рейтингини эълон қилинади ва рағбатлантирилади.

Исроил ЖўРАЕВ,
Бухоро муҳандислик-технология институтини қошидаги 2-академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Алданган олмахон

5. Хайвонот боғида қасаснинг устида ўтирган олмахонга бир шўх бола кичик бир тошча олди. Олмаҳон уни ёнғоқ деб ўйлаб олиб олди. Алданганини билган заҳоти тошни қайтариб болага горизонтал йўналишда 2 м/с тезлик билан олди. Олмаҳон массасини 0,5 кг, тошникини 0,1 кг, тошнинг олмахонга келиш тезлиги 6 м/с деб олиб, олмахоннинг олган акс тезлигини аниқланг. Қани, болалар бир мулоҳаза юришиб кўринг-чи, агар олмахон тошни олишдан олдин бирор муддат қўлида ушлаб туриб отса, масаланинг жавоби ўзгарадими? Қасас усти горизонтал силлиқ юзага эга деб қаралсин. (5 балл)

Кўзгудаги капалак

6. Икки ясси кўзгунинг кесишиш нуқтасида турган капалак улар билан мос равишда 30° ва 90° бурчаклар ҳосил қилган ҳолда 50 см/с доимий тезлик билан уча бошлади. Икки секунддан сўнг унинг тасвирлари орасидаги масофа неча см.га тенг бўлади. (10 балл)

Ажойиб зарядлар

7. Кулон қонунини текшириш мақсадида бир гуруҳ зарядланган шарлар олинди. Бу шарлардаги зарядлар куйидаги уч ажойиб хусусиятга эга:

1) Шарларнинг заряди тартиб рақами ошиб бориши тартибда ортиб боради, яъни

$$q_1 < q_2 < q_3 \dots$$

2) Кетма-кет келувчи ихтиёрий икки шар зарядларининг фарқи бир хил, яъни $q_2 - q_1 = q_3 - q_2$

3) Агар биринчи ва иккинчи шардаги заряд q га камайса, учинчи шардаги заряд эса q га ошса, улардаги зарядларнинг нисбати бир хил, яъни $q_2/q_1 = q_3/q_2$

Ўлчаш натижаларига кўра биринчи 3та шардаги зарядлар йигиндиси $15q$ ($q > 0$) га тенг.

Бу маълумотлардан фойдаланиб, шарларнинг дастлабки ва кейинги зарядларини топинг. Мазкур масалани ҳал қилсангиз шарларнинг дастлабки ва охириги зарядларини тавсифловчи иккита ажойиб қонуниятни топасиз. (15 балл)

Инсонда мақташга арзигулик жиҳатлар бисёр. Кимнидир гузаллиги билан мақтаб таърифлашса, бировни яхши фазилатлари билан кўнгаларга кўтаради. Кимнингдир одобиға ҳавасманд бўлишса, бошқанинг илмиға қўйил қолади. Айниқса, бундай фазилатлар бир оила вакилларида жамланса, ўша хонадоннинг фарзандлари ҳавасға арзигулик бўлиб камол топса, барчасидан аъло. Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Болтали маҳалласидаги Бекназаровлар хонадонида улғайётган уч фарзанднинг учови ҳам кимё фанидан халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этиб, муносиб ўринларни эгаллаган.

— Туманимиздаги 26-мактабда немис ва инглиз тили фанларидан дарс бераман, турмуш ўртоғим тadbirkor, — дейди олимпиадачилар онаси Фотима Раззоқова. — Одатда, ўқувчиларни адабиёт, музыка, расм фанлари ўзига оҳанрабодек тортари. Аниқ ва табиий фанларға қизиқиш эса ота-она ёки муаллимнинг жиддий назорати остида шаклланади. Бироқ фарзандларнинг камолотида ўзгача ҳолатни кузатдим.

рига оид формулалар ёзилган ён дафтарча! Бир-бири-мизнинг ён дафтарчамизни яширинча олиб кўчирардик, маълумотлар бўйича кимўзар ўйнардик ўша кезлари. Мудом ён дафтарчамни формула ва маълумотлар билан тўлдириш учун изланиб юрардим, дарсдан сўнг устозларимнинг ёниға бориб, янги формулаларини ёзиб олиш, ўрганишдан эринмасдим.

Лицейда кимёға қизиқи-

дан биринчи оралик назорат ишида 20та формула ёзиш керак эди. 18тасини тўғри ёзган бўлсам ҳам, устозим Зойир Эшонкулов менга «3» баҳо қўйган. «5»лардан иборат коллекциямда адашиб қолган «3»ни деб тунлари билан масалалар ечиб, формулалар ёд олганим, бирин-кетин катта ютуқларға бошлади мени.

Дониёр ҳозир Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг кимё факультети талабаси. У халқаро олимпиадада эришган ютуғи билан чекланиб қолмай, ўқиш ва изланишда давом этмоқда. 2013-2014 ўқув йилида Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди. Бугунги кунда «Нанозаррачаларнинг квант кимёвий тадқиқ қилиниши» мавзусидаги илмий иш устида изланмоқда.

КАМОЛОТГА ИНТИЛИБ...

Қарши давлат университети роман-герман филологияси факультети 4-босқич талабаси Мафтуна Нодирова Президентимиз фармониға мувофиқ 2014 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Мафтуна айни пайтда Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳибаси ҳамдир. Мактаб ўқувчиларига инглиз тилини ўқитиш бўйича ишлаб чиққан методик тавсияларини унинг ўзи Қарши шаҳридаги 29-умумтаълим мактабида амалиётда қўллаб, юқори натижаға эришди. Айни пайтда у бадий таржима билан ҳам жиддий шуғулланади. Ўзбек адабларининг бир неча асарларини немис тилиға ўғирган. «Генрих Гейне лирикиси» рисоласи, «Қадамлар ҳикмати»

шеърый китобчаси чоп этилган. Шу кунларда у жаҳон адабиётининг йирик намоёндалари Гёте ва Шиллер асарлари таржимаси устида иш олиб бормоқда.

Суратда: Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Қарши давлат университети роман-герман филологияси факультети 4-босқич талабаси Мафтуна Нодирова.

ЎЗА фотомухбири
Жамшид НОРҚОБИЛОВ
олган сурат.



Iste'dod

Самарқанд архитектура ва қурилиш институтида шаклланган устоз-шогирдлик аънанаси асосида талабалар орасидан кўплаб ёш тадқиқотчилар етишиб чиқмоқда. Хусусан, институтнинг қурилиш бошқаруви факультети 4-босқич талабаси Зебо Қўлдошева шундай изланувчан ёш олимлардан.

— Қурилиш материаллари мустаҳкамлигини таъминлайдиган камҳарж хомашёлари тадқиқ этиш биз, ёш мутахассисларнинг муҳим вазифамиз, — дейди Зебо Қўлдошева. — Устозим, доцент А.Султонов илмий раҳбарлигида «Кам қаватли бинолар қурилишида қўлланиладиган майда донали бетонларни тадқиқ қилиш» мавзусидаги изланишларим мазкур йўналишдаги тадқиқотлардан биридир. Устозим билан волостонит(дала шпати) хомашёси қўшилган бархан қумли ки-

ИЗЛАНУВЧАН ТАЛАБА

бунёдкорлик соҳаси ривожига
ҳисса қўшмоқчи

чик бетонларнинг мустаҳкамлик хоссаларини тадқиқ қилиш мақсадида махсус тажрибаларни ўтказдик. Натижа эса қутилганидек — ихобий.

Тажрибанинг дастлабки таркибида 1 метр куб бетон қоришмаси учун 350 килограмм цемент, 1830 килограмм бархан қуми ва 250 литр сув ишлатилди. Иккинчи таркиб учун бархан қуми 30 фоиз фракцияланган волостонит қуми билан алмаштирилди. Натижада бетон куб намуналари тайёрланди ва белгиланган муддатда синовдан ўтказилди. Шунда волостонит қуми қўшилган кичик бетоннинг мустаҳкамлиги дастлабки таркибға нисбатан 35 фоизгача ошиши қузатилди.

Ёш тадқиқотчи илмий изланишлари билан республикамиз микёсидаги турли танловларда фаол қатнашиб, кўплаб муваффақиятларға эришяпти. Чунончи, ўтган йили «Камолот» ЕИХ томонидан ўтказилган «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар кўрик-танловида голиб бўлди. Айни пайтда иқтидорли қиз изланишларини давом эттириб, илмнинг янги марралари сари дадил одимламоқда.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

УЧ АКА-УКА ҒОЛИБЛАР

бири-бириға устоз, бири-бириға шогирд

Уларнинг кимё фаниға оид китобларни худди эртак, роман ўқигандек, масалаларни ишлашда худди кроссворд ечгандек завқланиб, фанға меҳр ва иштиёқ билан ёндашишларидан, тўғриси, ўзим ҳам ҳайратланаман. Ҳамма мендан ўғилларингизни кимёға қандай қизиқтиргансиз, деб сўрайди. Ўтган йилларни хотирлаб, нукул шеър ёдлагганимни, отаси эртаклар айтиб берганини эслайман, холос. Мактабдаги устозларининг сабоқлари ва кўлға киритган ютуқлари уларнинг кимё фаниға қизиқишини оширган, деб ўйлайман.

Фарзандларини болалигидан адабиётға қизиқтирган ота-она уларнинг аниқ фанлар билимидони бўлиб чиққанидан ўзлари ҳам ҳайратда, ҳам қувончда. Бизнингча, Фотима опанинг шеър ёд олдиригани болалар зехнини оширган, Рустам ака айтиб берган эзгуликка ўндовчи эртаклар уларни китобсеварликка, илмий бўлишға етаклаган бўлса, ажаб эмас.

— Болалигимда учувчи бўлишни орзу қилардим, — дейди тўнғич фарзанд Илҳом Бекназаров. — Мактабға чиққанымдан сўнг парвозға қизиқишим кимё, физика, астрономия, математика фанларини пухта эгаллашамға сабаб бўлди. Устозим, «Шухрат» медали соҳибини, халқ таълими аълочиси Зойир Эшонкуловнинг сабоқлари ва қизиқтиришлари сабаб, кимёни пухта ўргана бошладим. Туманимиздаги 26-мактабнинг 7-синфини тугатгач, 1-иқтидорли болалар мактабининг табиий фанлар йўналишида таълим ола бошладим. Ўша кезларни эсласам, Нодир, Зайниддин деган ўртоқларим билан қалин дўст эдим. Кимё фаниға қизиқиш бизни ўзаро рақобатчиға ҳам айлантириб қўярди. Уччамизда ҳам энг қимматли бир буюмимиз бўларди, бу кимё, физика, математика фанла-

шим янада ортиб, туман, шаҳар, вилоят микёсида ўтказилган фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллай бошладим, натижада халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилиш имкониятиға эга бўлдим. 2007 йили Беларусь давлатининг Минск шаҳрида ўтказилган 41-халқаро Менделеев олимпиадасида 4-даражали диплом билан тақдирландим. Менинг бу ютуғим укаларим ва лицейимиз ўқувчиларининг кимё фаниға қизиқишини янада оширди. Ҳозир Тошкент тиббиёт академиясининг 7-курсда таҳсил оляпман. Келажақда малакали жарроҳ бўлиб, тиббиётимиз ривожига ҳисса қўиш ниятдаман.

«Устоз ва шогирд» мактаби нафақат таълим даргоҳида, балки оилада ҳам йўлга қўйилиши мумкин экан. Ўқувчининг ўз ота-онаси, опа ё акаларидан олган таълим тарбияси анча мустаҳкам бўлиши эътиборланган. Бунда билим меҳр ва яқинлик муносибати билан сингдирилди.

— 5-синфлигимда математикани аъло ўзлаштираётганим боис, акам менга 7-синф дарслигидан кимё фанини ўргата бошлади, — дейди 44-халқаро Менделеев олимпиадаси бронза медали соҳибаси Дониёр Насриддинов. — Шунинг учун Илҳом акамни биринчи устозим деб биламан. Масалалар ечишда қийналсам, «Масаланинг моҳияти тушуниб ол», деб қайта-қайта такрорлагани ёдимда. Аммо ўша пайтлари «моҳият» деган сўзни тушунолмай, луғатларни титқилаб хуноб бўлганимни ҳам яхши хотирлайман. Ҳаётимда катта бумилиш ясаган, кимё фанидан эришган ютуқларимға сабаб бўлган бир эсдалик бор, бу — «хайрли «уч»им!» 7-синфгача кундалигим ва баҳолар табелимда «5»дан бошқа рақамға жой йўқ эди. Ўқув йилининг бошида кимё фани-

— Акаларим мени ҳам кимё оламиға етаклади, — дейди 46-халқаро Менделеев олимпиадаси совриндори Жаҳонгир Насриддинов. — Қолаверса, муваффақиятларимизда учаламизға ҳам меҳнати сингган, кимё сабоқларини ўргатган устозимиз Зойир Эшонкуловнинг ҳиссаси катта. Акаларим кўп бор фаҳрий ёрлик, диплом, сертификатлар билан уйға кириб келганда ота-онанинг кўзлариди қувончи қўриб, мен ҳам болалигимдан улардек бўлишға ҳаракат қилиб келаяпман. Аввалиға ижтимоий-гуманитар фанларға қизиқшим катта эди, кейинчалик негадир кимё мени ўзига ром этди. Туман, вилоят микёсида ўтказилган мусобақалардаги ютуқларим халқаро олимпиадада терма жамоаимиз сафида иштирок этишимға сабаб бўлди. 2012 йилнинг апрелида Остона шаҳрида ўтказилган 46-халқаро Менделеев олимпиадасида кўлга киритган муваффақиятим туфайли Тошкент фармацевтика институтига имтиёзли асосда ўқишға қабул қилиндим. Ҳозир институтда «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилотининг «Ёш олимлар илмий кенгаши» етакчисиман.

Олимпиадачи йигитлар билан суҳбатлашар эканмиз, келажақдаги режалари ҳақида сўрасак, Менделеев олимпиадасидаги ва бошқа халқаро олимпиадалардаги ҳайрат аъзолари сафидан ўзбек кимёгарлари ҳам жой олиши учун Форобий, Берунийнинг давомчилари бўлиб етишиш ниятлари борлигини таъкидлашди. Юртимизда тинч ва фаровон, соғлом маънавий муҳит ҳукмрон оилаларда камол топаётган бу каби иқтидорли, билимли, заковатли ёшлар келажагимиз учун муносиб ворислар бўлиб етишишға ишонамиз!

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
«Ma'rifat» мухбири

«Хушдан кетаётган Ибн Муғанний хомталаш оёғига, азобда қолган жонига ачтинмади, «Майли», деди — ингради, «Розиман», деди — ингради, уйга етиб олсам бас... бобомдан қолган созларга қўл чўзсам... чак!.. трик!.. Оламини соз қилса — дур бу сас... Ибн Муғаннийнинг елкаси қаттиқ нарсага тегар-тегмас мўъжаз эшик беҳушов гичирлаб очилиб кетди, у ўзини тутиб қололмади — ёнбошлаганча чордоқ ичига қулади... Қор босган водийга кўна соз носиси таралди... Дунёни сел қилгувчи бу нолани Ибн Муғанний эшитди-миз-йўқми, ёлғиз Аллоҳга аён эди...»

Таникли ўзбек адиби Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Ибн Муғанний» ҳикояси худди шундай тугалланади. Ҳикояни ўқиб чиққан киши авлодларнинг ўз аждодларидан қолган меросга эътиборсиз мўъсабати охират манзилига кетар чоғда афсус-надомат ўйотишини хис қилади. Асар бош қахрамони Ибн Муғанний чордоқда ётган бобомерос созларни эслайди. Унинг хаёлида узоқ йиллар муқаддам эшитган куй ва оҳанглار жонланади. Ёзувчи бу образ орқали ўзбек халқининг бой муслиқ мерос билан боғлиқ ҳаётига назар солади. Айнан шу аънаналарни бугунги авлод қабул қилиб, ўрганиши керак, деган ғоя ёзувчининг ҳикоя ёзишга ундаган бўлса, ажаб эмас. Ҳақиқатан ҳам, инсоният тарихи муслиқ билан чамбарчас боғлиқдир. Агар санъатнинг бу тури юзга келмаганида, эҳтимол, кишилиқ ҳаияти цивилизациянинг ҳозирги даражасига эришмаган бўларди.

«Musike» юнонча сўз бўлиб, ўзбекча талқин қилинганда турли-туман товушлар, бадийи образ яратиб берувчи, ғовий-эмоционал мазмунга эга санъатни ифодалайди. Хар бир халқнинг муслиқаси ўз миллий хусусиятига кўра бир-биридан фарк қилади. Узоқ йиллар давомиди шаклланиб, бадийлаштирилган, ҳар бир авлод томонидан бойитилган ва сайқал берилган муслиқ асарлар бора-бора юксак погонага кўтариллади, халқнинг бой ҳазинасига айланади. Халқ муслиқаси билан мустаҳкам боғланган ҳолда профессионал муслиқ ҳам тараққий этдики, унинг вуждга келишида мохир созанда ва композиторларнинг ҳиссаси катта.

Қадимий маданият ўчоқларидан бири — Марказий Осиё халқлари жаҳон фани ва санъати ҳазинасида салмоқли ўрин эгаллайди. Муслиқ маданиятига оид ёзма манбаларгина бизгача етиб келган. Аллома боболаримиз Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий муслиқ назарияси бўйича илмий асарлар яратиб, Шарқ халқлари маданий тараққиёти учун янги бир даврни бошлаб бердилар. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, Аҳмад ал-Фарғоний қонун қолғусини ихтиро этган, ўша даврда машҳур бўлган ул созини тақомиллаштириши йўлида изланган. Исоҳқ Ражабийнинг «Мақом масаласига доир» китобида қайд қилинадики, «Муслиқ илми математика фанларидан бири ҳисобланиб, уларга математика, геометрия, астрономия ва муслиқ илмлари қиради. Муслиқ илми шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар хулқини тартибга келтиради. Мукамалликка етмаган хулқни мукамал қилади ва мувозанатда бўлган одамлар хулқини сақлаб туради. Бу илм тананинг саломадлиги учун ҳам фойдалидир. Чўки тана касал бўлса, руҳ сўлади. Тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам тўсиққа учрайди. Шунинг учун

овозларнинг таъсири билан руҳни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади», деб айтган эди аллома Фаробий.

7-синф муслиқ дарслиғида эса буюк табиб Абу Али ибн Синонинг фикрларини ўқиб мумкин: «Боланинг миҳозини қучайтирмақ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани аста-секин тебратиш, иккинчиси эса уни уқлатиш. Уқлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган муслиқ ва аллалашдир. Иккинчи жиҳатни қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадан тарбияга ва руҳи билан муслиқга бўлган истёдоди ҳосил қилинади».

Ҳазрат Алишёр Навоий эса санъат аҳлининг меҳнатига юксак баҳо беради: «Оташин юзлик муғанийки, хулқидин му-

га эндиғина қадам қўйган 1-синф ўқувчиси билан муслиқ машғулот болаларбоп ўйин ва топишмоқлар асосида ўтказиларди. 4-синфни тугатган бола ларпар, ялла, тўй-маросим, меҳнат қўшиқлари, оркестр ва ансамбли фарқлай олиши керак. 7-синф ўқувчиси эса маҳаллий услуллардан тўлиқ хабардор бўлиши лозим: Сурхондарё — Қашқадарё, Самарқанд — Бухоро, Фарғона — Тошкент, Хоразм. Бундан ташқари, боланинг муслиқ саводхонлиғи учун увертия (кино, театр асарларидаги хўлатга мос кўй. Қаҳрамон руҳий кечинмасига мос шўх ёки ҳазин муслиқ), симфония, оркестр, опера, балет ҳақидаги тўшунчаларини ҳам тўлиқ шакллантиришимиз талаб қилинади. Кундалиқ ҳаётимизда «Фарб

гирдларига ҳеч қандай нота ва белгиларсиз озғак таразда уэатилган. Эндилкида эса бу йўналиш лицей, коллеж, институтларда, муслиқ ва санъат мактабларида нота ёрдамида, аънаъний ижрочилик услуллари орқали ўзлаштирилмоқда. Мумтоз муслиқ таълимоти ўқувчилар онгига сингдиришининг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бор. Аввало, ҳар бир умумтаълим мактаби муслиқ хонаси танбур, рубоб, дутор, доира каби миллий ўқувчилари билан тўлиқ минланган бўлиши керак. Бундан ташқари, 1—7-синф ўқув дарслиқлариға киритилган жаҳон халқлари композиторлари портретлари ушбу хона деворига ослида. 7-та нота акс эттирилган плакат досканинг бер четида доимий туриши лозим.

Aprel — estetik yoʻnalishdagi fanlar oyligi

туришларни томоша қиламан ва белгиларсиз озғак таразда уэатилган. Эндилкида эса бу йўналиш лицей, коллеж, институтларда, муслиқ ва санъат мактабларида нота ёрдамида, аънаъний ижрочилик услуллари орқали ўзлаштирилмоқда. Мумтоз муслиқ таълимоти ўқувчилар онгига сингдиришининг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бор. Аввало, ҳар бир умумтаълим мактаби муслиқ хонаси танбур, рубоб, дутор, доира каби миллий ўқувчилари билан тўлиқ минланган бўлиши керак. Бундан ташқари, 1—7-синф ўқув дарслиқлариға киритилган жаҳон халқлари композиторлари портретлари ушбу хона деворига ослида. 7-та нота акс эттирилган плакат досканинг бер четида доимий туриши лозим.

қилади, уч-тўрт соат шуғулланган маъқул. Мавзуга қанчалиқ чўқур кириб борсангиз, ўқувчининг қизиқиши шўнчалик ортади. Баъзан ўқувчиларимдан «Ус-тоз, мен шу вақтгача Европа куй-қўшиқларини эшитиб келардим. «Чўли Ироқ» менга жуда ёки қолди. Бизда шундай куйлар борлиғини билмас эканман. Дискингизни менга бериб турсангиз, кўчириб оламан», деган гапни эшитиб хурсанд бўламан. Демак, ёшлар мумтоз муслиқмизни ёқтирашди, деган бир ёқлама ёндашувни йиғиштириб, улар давраси учун жонли ижронини ташкил қилишимиз керак.

Халқ таълими вазирлиғи ташаббуси билан қатор йиллардан бери фан оилиқлари ўтказилаётгани биз педагогларни ўз ўстимизда ишлашга, ижод қилишга ундайди. Хар бир фанга бағишланган ой муносабати билан умумтаълим мактабларида тақомиллаштириш ва изланиш даври бошланади. Аввалги ўқув йилида ўтказилган фан оилиғидаги тадбирлар янгиланади, қандайдир янгича ёндашулар топилади. Апрель ойининг эстетик фанлар учун белгиланиши бежиз эмас. Фусунқор баҳор фаслининг энг сўлим ойи бўлгани учун апрелда табиат манзаралари барчамизни ўзига мафтун этади.

Жорий ўқув йилида 6-синф ўқувчилари учун «Симфония» мавзусида очик дарс ўтказишни режалаштирганман. Юртимизда яшаб ижод қилган таникли бас-такор Мухтор Ашрафий ва Мирсодиқ Тожиев ҳаёти, яратган асарлари ҳақидаги маълумотлар ўқувчиларнинг симфония ҳақидаги тўшунчаларини кенгайтиришига ишонаман. Қолаверса, фан оилиғида Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий уй музейига муслиқ тўғрағи аъзолиридан 20 нафарини ёқкурсияга олиб бориш ниятидаман.

Бундай тадбирлар ёшларнинг хотирасида бир умр сақланиб қолади.

Тоҳир БОЙМАНОВ,
Тошкент шахридаги
146-умумтаълим
мактабининг муслиқ фани
ўқитувчиси

MARRAGA KIM BIRINCHI CHIQAADI?

8-sinf uchun mehnat taʼlimi fanidan dars ishlanmasining texnologik xaritasi

Mavzu:	Hunarmandlarning bozor munosabatlari asosidagi faoliyatlari, uyushmalari va ularning istiqbolari
Maqsad va vazifalar	Darsning taʼlimiy maqsadi: oʻquvchilarga xalq hunarmandchiligining bozor munosabatlari asosidagi faoliyati, uyushmalar va ularning istiqbolari toʻgʻrisida bilim berish. Darsning tarbiyaviy maqsadi: oʻquvchilarda hunarmandlar tayyorlagan buyumlarga nisbatan badiiy-estetik dunyoqarashni shakllantirish. Darsning rivojlantiruvchi maqsadi: oʻquvchilarda hunarmandchilikning zamonaviy texnologiyalarini oʻrganib, amaliyotda qoʻllash layoqatini rivojlantirish. Kasbga yoʻnaltiruvchi maqsadi: oʻquvchilarning xalq hunarmandchiligiga oid kasblar (yogʻoch oʻymakorligi, ganch oʻymakorligi, naqqoshlik, kandakorlik, kulochilik, pichoqchilik, tikuvchilik, gilamchilik, doʻppidoʻzlik, quroqchilik, kashtachilik, zardoʻzlik) toʻgʻrisidagi bilimni rivojlantirish. Darsning vazifalari: –oʻzbek xalq hunarmandchiligiga asos solgan ustalar toʻgʻrisida maʼlumot berish; –xalq hunarmandchiligining turlari, ish usullari bilan tanishtirish; –bozor munosabatlari sharoitida ishlab chiqarish faoliyati toʻgʻrisidagi bilimlarni oʻrgatish; –“Hunarmand” uyushmasi va uning istiqbolari bilan oʻquvchilarni tanishtirish; –hunarmandlar tayyorlagan buyumlarga nisbatan badiiy-estetik dunyoqarashni shakllantirish.
Oʻquv jarayonining mazmuni	Oʻquvchilar oʻzbek xalq hunarmandchiligiga asos solgan ustalar, xalq hunarmandchiligining turlari, ish usullari, bozor munosabatlari sharoitida hunarmandchilikning hozirgi zamon ishlab chiqarish faoliyati, «Hunarmand» uyushmasi va uning istiqbolari toʻgʻrisidagi bilim, koʻnikma, malakalari rivojlanadi.
Oʻquv jarayonini amalga oshirish texnologiyasi	Metod: “Taqqimot”, “Savol-javob”, “Klasterni”, “Zinama-zina”. Shakl: jamoaviy, kichik guruhlarda va individual tartibda ishlash. Vosita: erishilgan yutuqlar, turli sohalar boʻyicha amalga oshirilgan ishlardan lavhalar, tarqatma materiallar, kompyuter, proyektor, ekran, slaydlar, xalq hunarmandchiligiga oid koʻrgazmali qurollar, asbob-uskunalar. Nazorat: savol-javob. Baholash: reyting tizimi boʻyicha.
Kutilayotgan natija	Oʻqituvchi: oʻquvchilarning dars davomidagi faolligini oshira oladi. Darsga, xalq hunarmandchiligi sohasiga qiziqish uygʻotadi. Barcha oʻquvchilarni baholashga erishadi. Oʻquvchi: mavzu boʻyicha yangi bilimlarni egallaydi. Yakka va guruh boʻlib ishlashni oʻrganadi. Hunarmandlarning bozor munosabatlari asosidagi faoliyati, uyushmalar va uning istiqbolari toʻgʻrisidagi bilim, koʻnikma malakalari shakllanadi. Mavzu boʻyicha kerakli bilimga ega boʻladi va baholanadi.
Uyga vazifa	Oʻqituvchi: mavzu boʻyicha qoʻshimcha yangi maʼlumotlarni toʻplash. Mavzuga oid test, tarqatma materiallarni va koʻrgazmali qurollarni tayyorlash. Innovatsion texnologiyalardan foydalanish. Kelgusi dars jarayonida tatbiq etish. Oʻquvchi: “Hunarmandlarning bozor munosabatlari asosidagi faoliyati, uyushmalari va uning istiqbolari” mavzusi boʻyicha olgan bilim, koʻnikma va malakalari asosida tarqatma materiallar tayyorlab kelish.
Kelgusi rejarlar	Oʻqituvchi: yangi pedagogik va axborot texnologiyalarini oʻlashtirish, dars jarayoniga tatbiq etish, takomillashtirish. Oʻz ustida ishlash. Pedagogik mahoratini oʻstirish. Oʻquvchi: mustaqil ishlashni oʻrganish. Mavzuga oid yangi materiallarni toʻplash.

Darsning borishi:			
Bosqichlar	Mazmuni	Metodlar	Ajratilgan vaqt (minut)
1-bosqich	Tashkiliy qism: salomlashish, davomlatni aniqlash, oʻquvchilarning darsga tayyorgarligini tekshirish, darsning borishi haqida tushuncha berish.	Savol-javob	5
2-bosqich	Oʻtilgan dars mavzusi boʻyicha savol-javob tarzida bahs-munozara tashkil qiladi. Mavzuga oid savollarni tarqatma material sifatida oʻquvchilarga tarqatadi. Berilgan topshiriqlarni tekshiradi va baholaydi.	Savol-javob	5
3-bosqich	Yangi mavzu bayoni. Mavzuning maqsadi, asosiy maʼno-mazmuni, qoʻllanadigan ish usullari tanishtiriladi. Mavzuga doir muammoli savollar guruhlar oʻrtasida muhokama qilish uchun alohida-alohida tarqatma materiallari sifatida beriladi va savol-javob oʻtkaziladi. Mustaqil ishlarni tashkil qilinadi.	Taqdimot, savol-javob	20
4-bosqich	Yangi mavzu yuzasidan oʻquvchilar bilimni mustahkamlash: “Zinama-zina” metodi asosida oʻquvchilar bilimni mustahkamlanadi.	“Zinama-zina”	10
5-bosqich	Uyga vazifa berish, darsni yakunlash: mavzu asosida qoʻshimcha materiallarni toʻplash va tarqatma materiallar tayyorlab kelish.		5

«Zinama-zina» metodi asosida marraga kim birinchi chiqish texnologiyasining sxematik tuzilishi asosida oʻtilgan mavzuni mustahkamlash samarali hisoblanadi.

Yuqorida sxematik tuzilish keltirilgan boʻlib, mavzuga oid savollar oʻqituvchi tomonidan ketma-ketlikda, oddiydan murakabga qarab tuziladi va zinalarga joylashtirib qoʻyiladi.

Oʻktamjon TOHIROV, RTM metodisti

МАШҒУЛОТЛАР БАЙРАМГА АЙЛАНСИН

Муслиқ — инсоннинг руҳий олами-ни бойитадиган, нозик ҳис-туйғуларини уйғотадиган, ақлий ва ахлоқий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, маънавий тарбиясининг яхши томонига ўзгаришга ёрдам берадиган восита. Мутахассислар муслиқ ҳақида кўп-лаб илмий изланишларида унинг болага

фаол эмоционал таъсири, руҳият ва физиологиясини ўзгартира олишини исботлашган. Шундан келиб чиқиб бўлиш мумкинки, инсон муслиқдан қуч-қувват олади. Бу фикрнинг исботига ҳар биримиз ҳаётимиз давомиди ғувоҳ бўлганмиз. Ўдақлигимизда онамиз айтган ала сеҳридан мириқиб ором олганмиз ва шу ондан бошлаб куй-қўшиқнинг сеҳрли қучини ҳис этганмиз. Бочада ғўзал оҳанг жўрлиғида нозик рақсга тушганимизда тарбиячи онамиз ёки атрофдагиларнинг олқишидан қувончимиз ичимизга синамаган. Шу тариқа қалбимизда муслиқга, санъатга меҳр уйғониб бораверади.

Бугун юртимизда муслиқ ва санъатга, истёдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳар қанчонидан юксак эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар муслиқ ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»-ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳару туманларида фаолият кўрсатаётган болалар муслиқ ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида яратилган шарт-шароитлари, ўқувчи ёшларнинг мохир педагоглардан касб-ҳунар сирларини пухта ўрганаётганини қўриб қувонамиз.

Хар бир сабогимизда ёшларга бундай шароитлар қадрига етишни ўргатамиз. Болалар қалбида муслиқ ва санъатга меҳр уйғотиб, қолғучилиқ, ижорчилик борасидаги билим, қўниқма ва малакаларини шакллантириб борамиз. Эстетик фанлар туркумига кирувчи муслиқ дарслари ўқувчини одоб-ахлоқли бўлишга, ватанпарварлик руҳида камол топиши, ижодий маҳорати ва бадийи дидини ўстириш, фикр доирасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда 900га яқин ўқувчи таълим-тарбия олаётган коллежимизда муслиқ йўналишида 97 нафар ўқувчи санъат сирларини қўнт билан

ўрганмоқда. Дарсларнинг жонли ва қизиқарли ўтишини таъминлаш учун зamonaviy ахборот технологияларидан унумли фойдаланамиз. Мамлакатимизда муслиқ санъатига берилаётган эътиборнинг бир намунаси сифатида ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тараоналари» халқаро муслиқ фестивали, иқтидор эгаларини аниқлашга хизмат қилиб келаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловидан лавҳалар, видео-тасвир ва слайдлар орқали ташкил этилаётган машғулотлар ўқувчиларнинг қизиқишини оширмоқда. Дарсларни муслиқ фестивали тарзида ўтиш ҳам яхши самара бермоқда. Бир дарсда ўқувчилар муслиқ асбоблари орқали навбат билан саҳнага чиқиб бирон бир кўйни ижро этиб беришса, кейингисинида ашула ёки қўшиқ қўйлаб иқтидорларини намойиш этишади. Ўқувчилар қизиқлари яқунлангандан сўнг уларнинг ижро маҳорати, ҳато ва камчиликлари, юқуқлари бир-галикда муҳокама қилинади. Ўзига хос «муслиқ фестивали» сўнгида қўлиб ўқувчилар аниқланиб рағбатлантирилади. Қўлибларини рағбатлантиришга ҳам ижодқорона ёндашши, фаннинг мазмун-моҳиятини йўнабатга олиш керак. Қўлибга яна бир бор тенгдошлар



ри олдида куй-қўшиқ ижро этиш имконини яратиш, мумтоз асарлар жамланган диоқлар совға қилиш каби рағбатлантиришлар ўқувчилар билимини оширибгина қолмай, навбатдаги дарсга ҳам катта қизиқиш билан қелишига туртки беради.

Аслида ҳар бир педагогнинг мақсади ўқувчининг навбатдаги дарсга катта қизиқиш, энг муҳими, ўз хошии билан қелишига эришишдан иборат. Муслиқ ўқитувчиси бу мақсадга эришиш учун машғулотларни ўзига хос



БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

Фарзандингизни ҳашарга юборинг

Бошқа халқлар қатори ўзбекларда ҳам шундай анъаналар борки, уларни сақлаш, тиклаш, замонавийлаштириш оила ҳаётини маънан бойитида. Чунки ҳар бир ёш йигит-қизнинг (демак, сизнинг болангизнинг ҳам) ўз халқи анъаналарини яхши билиши орқали давлат, халқ, миллатимизнинг тарихига, келажакка дахлдорлик ҳисси ортиб боради.

Миллий анъана, урф-одатлар болада миллий дунёқарашни шакллантиради. Ҳаммамиз ҳам ўз ота-оналаримиздан ана шу миллий дунёқарашни ўзлаштириб, ўз дунёқарашимизга айлантирганмиз. Энди уларни болаларимизга мерос тарзида беришимиз керак. Ана шунда анъаналар болаларимизнинг биз билан ҳамфикрлигига, ўзаро ишончга, иззат-ҳурматга, мақсад бирлигига, ўзаро самимиятга хизмат қилади.

Ҳозирги замонда юз бераётган глобаллашув жараёни ва унинг одамлар онги ва кайфиятига таъсири комил инсонни тарбиялашга замонавий ёндашишни тақозо этмоқда. Бунда ўзлгимизни йўқотмаслигимиз, ўзбек халқининг миллий ру-

ҳияти нафақат сақлаб қолишимиз, балки янада кучайтиришимиз учун миллий тарбиямизни маҳкам тутишимиз зарур.



хиятини нафақат сақлаб қолишимиз, балки янада кучайтиришимиз учун миллий тарбиямизни маҳкам тутишимиз зарур.

Халқимиз томонидан узоқ йиллар давомида шакллантирилган маросимлар ўзига хос миллий одоб ва чиroyli муомалалар майдонида айланган. Маросимлар маънавий меъёр ва таъомиллар сифатида авлоддан-авлодга етказилиб, жамоатчилик фикри билан қўриқланиб, тақомиллашиб келди. Суннат, никоҳ тўйлари, ҳашар, мотам маросимлари ва бошқа оилавий тадбирлар болаларда ватанпарварлик, миллий одоб, виждонлилик, элсаварлик фазилатларининг шаклланишига, чиниктирилишига кучли воситалар бўлиб келди.

Оилавий маърака-маросимларнинг миллий тарбиявий имкониятлари кўп. Чунки уларда қатнашувчиларнинг турли ёшдаги ижтимоий, касбий гуруҳлардан ташкил топиши: мулоқотлардаги ихтиёрлилик (бир-бирига бевосита боғлиқ эмаслик); эркинлик; ёши улуг қишларга алоҳида ҳурматнинг яққол намоян бўлиши; одамлар қиладиган сўхбат мавзусларининг ранг-баранглиги ва буларнинг ёшлар ҳулқ-атворида таъсири намоян бўлади. Бу хусусиятлар авлодларнинг маънавий бирлигини мустаҳкамлайди. Болаларнинг ўз қишлоғи, маҳалласидаги қишлар тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтиради. Теварак-атрофдаги одамларга диққат билан қарашни ўргатади. Ота-она, қавму қариндошлар қадрига вақтни ўтказмасдан, тирикчилигида етиш кераклигига, уларни ранжитмасликка, қариганда таянч

бўлишга, ўзининг ва бировлар умрининг қадрига етишга даъват этади. Авалли йиллари Самарқанд шаҳар Дамариқ маҳалласида ўтган ибратли ҳашарни эсламоқчимиз. Маҳалла раиси, собиқ ўқитувчи Ф.Нарзиев ва фаоллар Н.Ўқубов, Х.Болтаев хонадонларга бирма-бир кириб, қабристоннинг атрофини тозалаш ҳашарига маҳалла ахлини даъват этади. Ҳар йилгидан фарқли ўлароқ, ҳашарга ўқувчи-ёшларни ҳам таклиф қилиш кераклиги, бунинг аҳамияти ота-оналарга тушунирилди.

4 апрель куни ҳашарчилар орасида ўспиринлар ҳам учради. Уларнинг сони 11 апрель куни 12 нафар, 18 апрель куни эса 23 нафарга етди. Чунки дастлабки кунлари ўз ўғилларини ҳашарга олиб чиқмаган оталар ибратли ҳолатни кузатдилар. Ҳашарнинг тарбиявий аҳамиятини англаб етган, болалар тарбиясига ҳафсаласиз оталар ўз ўғилларига марҳум бобо, буви, қариндошларнинг қабрларини кўрсатдилар. Ўспиринлар 18 апрелдаги ҳашарда ўзларини қандай тутишди? Уларнинг бир қисмига (5) офтобдан пана жойда ўтириб, "белкураларини бошқаларга бериб" ўтиридилар; 7 нафари катталардан кўрсатма қутиб, айтилган юмушларни бажариб турди. Лекин ўспиринларнинг кўпчилиги (11) фаоллик кўрсатди; темир-терекларни йиғиштириш, ер ағдариш, тош-

ларни териб, белгиланган жойга элтиб ташлаш, даракларнинг қуриган шохларини кесиб каби ишлар билан ихтиёрли машғул бўлдилар. Энг муҳими, улар ўзларининг аجدодлар олдидagi бурчларини оқлаётганликларини илк бор амалда туйдилар.

Ҳашар тугади. Маҳалла қўмитаси раиси Ф.Нарзиев ҳашарчилар қаршисида ваъз қилиб, шундай деди: "Азизлар! Бугун сиз ва биз марҳум бобо-бувиларимиз, ота-оналаримиз руҳларини шод қилдик. Айрим одамлар ота-оналари тирикчилигида қадрига етмайдилар. Насиҳат қилсалар, "Қарисиз, нимани ҳам тушунадингиз", дегандек бепесанд бўладилар. Бундайлар марҳумларнинг қабрларидан ҳам хабар олмайдилар. Ўз бобо-бувиларининг қабрларини топа олмайдиган ёшларни ҳам кўрмоқдамиз. Имомини қилиб, бугун ҳашарга келган сиз ёшлар келажакда ўз ота-оналарингизга меҳрли бўласизлар. Чунки бугун инсон умри абадий эмаслиги, ҳар бир киши — ота ҳам, она ҳам вақти келиб вафот этиши, шунинг учун уларни ҳаётлигидан иззат қилиш лозимлиги ҳақида дарс олдингиз".

Шундан сўнг маҳалла масжиди имоми Низом бобо дуои фотиҳа қилди. Ҳашардан қайтаётган ўспиринларнинг қиёфасида ажиб бир жиддийлики, аждодлар тарихига дахлдорлик туйғусини ҳис этаётганликларини сезиш мумкин эди.

(Давоми бёр.)

Муҳаммад КУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Экологик муаммоларнинг ҳал этилиши фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг экологик-ҳуқуқий билими, онги, маънавияти ва маданиятини замон талаби даражасида ривожлантириш ва шакллантириб боришни тақозо этади.

Юртбошимиз таъкидлагандек, "Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажак кўп жиҳатдан ана шу муаммоларнинг ҳал қилинишига боғлиқдир".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида "...ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга" эканлиги, 50-моддасида "фуқаролар атроф-табиий

логик ҳуқуқий ҳатти-ҳаракат, яъни ҳар кунги экологик ҳулқ-атвор элементларига риоя қилиш каби хусусиятларни ўз ичига олади.

Ёшларни экологик-ҳуқуқий тарбиялаш ва уларга экологик-ҳуқуқий билимлар бериш анча кенг тушунча бўлиб, экологик, ҳуқуқий, гигиеник, ахлоқий, меҳнат ва жисмоний тарбия йўналишларини муҷассамлаштиради; табиатга, атроф-муҳитга, инсонларга, ер, сув, ер ости бойликлари,

ган ва келажакнинг экологик соф ва барқарор режасини тушунадиган етук мутахассисни тарбиялаш;

— жамият аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий, ҳуқуқий экологик қарашлари ва урф-одатларини ривожлантириш, ўзлари яшаб турган ҳудуднинг экологик муҳитини, унинг инсон ҳаёти ва саломатлигидagi аҳамиятини тушунтириш, ёш авлодда табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, экологик ва аграр қонун талабларига риоя қилишни таъминлаш;

— ҳозирги замон талаблари асосида экологик ҳавфсизликни таъминлаш ва трансчегара-

ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР

ёшларни келажак ҳаёт олдидagi

масъулиятни ҳис этиб яшашга ўргатади

муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур"лиги, 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилиши ҳозирги пайтда барча фуқароларни, жумладан, ёшларни, экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг туб маъноси табиат, жамият ва инсон ўртасидаги мутаносиблик ва уларни боғловчи табиий ҳамда ижтимоий қонунийларга ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш йўли билан экологик барқарорлиқни сақлашдан иборат. Назарий асоси эса табиат муҳофазасига оид ҳуқуқий таълим ва тарбияни боғдандан олий ўқув юртигача маълум ўқув режа ва дастурлар асосида олиб бориш ҳамда замон талабига мос малакали мутахассислар тайёрлашни кўзда тутати. Яъни, экологик-ҳуқуқий таълим-тарбиянинг асосий мақсад ва вазифалари инсонни табиат билан, унда содир бўлаётган воқеалар билан қизиқтириш, улар ўртасидаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва ечиш йўллари, чора-тадбирларни топиш — етарли экологик-ҳуқуқий билимларга эга бўлган ҳолда, ўрнатилган қонун талаблари асосида атроф табиий муҳит муҳофазасини амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ҳозирги пайтда экологик-ҳуқуқий таълим-тарбия қўйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ўйлаймиз: — жамият ва табиатнинг ривожланиш қонунийларини, улар ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганиш ва мустақил фикрлай оладиган барқарол инсонни етиштириш; — ижтимоий-иқтисодий режалаштириш ва ишлаб чиқариш қўчаларини йўналтиришда турли табиий районларнинг экологик ҳолатини билади-

ёшларнинг экологияга оид урф-одатларини ҳурмат қилиш, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши профилактик ишлар олиб бориш жараёнини ифода қилади. Демак, экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг туб маъноси табиат, жамият ва инсон ўртасидаги мутаносиблик ва уларни боғловчи табиий ҳамда ижтимоий қонунийларга ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш йўли билан экологик барқарорлиқни сақлашдан иборат. Назарий асоси эса табиат муҳофазасига оид ҳуқуқий таълим ва тарбияни боғдандан олий ўқув юртигача маълум ўқув режа ва дастурлар асосида олиб бориш ҳамда замон талабига мос малакали мутахассислар тайёрлашни кўзда тутати. Яъни, экологик-ҳуқуқий таълим-тарбиянинг асосий мақсад ва вазифалари инсонни табиат билан, унда содир бўлаётган воқеалар билан қизиқтириш, улар ўртасидаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва ечиш йўллари, чора-тадбирларни топиш — етарли экологик-ҳуқуқий билимларга эга бўлган ҳолда, ўрнатилган қонун талаблари асосида атроф табиий муҳит муҳофазасини амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ҳозирги пайтда экологик-ҳуқуқий таълим-тарбия қўйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ўйлаймиз: — жамият ва табиатнинг ривожланиш қонунийларини, улар ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганиш ва мустақил фикрлай оладиган барқарол инсонни етиштириш; — ижтимоий-иқтисодий режалаштириш ва ишлаб чиқариш қўчаларини йўналтиришда турли табиий районларнинг экологик ҳолатини билади-

вий муаммоларни ҳал этишни тўғри тушунишга эътибор қаратиш зарур.

Мамлакатимизда экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияни янада тақомиллаштириш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, ёшларда экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг узлуқсизлигига, ҳамбарчас олиб борилиши ва ўқитилишига эришиш;

иккинчидан, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунларга "Ёшларга экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия бериш" билан боғлиқ алоҳида боб ва моддалар киритиш; учинчидан, бу соҳада тегишли вазирлик, қўмита ва тегишли корхона, муассаса, ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;

тўртинчидан, ҳуқуқшунос ва экология мутахассислиги бўйича тахсил олаётган талабаларга "Экологик-ҳуқуқий таълим-тарбия" махсус курсини жорий этиш;

бешинчидан, қабул қилинган экологик ва аграр қонун талабларини ҳамда уларнинг моҳиятини ёшларимизга ва аҳолига кенгроқ тушунтириш;

олтинчидан, халқаро стандартларга мос ҳар томонлама экологик-ҳуқуқий билим бера оладиган замонавий ўқув қўлланма ва дарсликлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида санаб ўтилган тадбирларни амалга ошириш ёшларимизда экологик-ҳуқуқий маданиятни замон талаблари асосида шакллантиришга, ўқувчи-ёшларга экологик-ҳуқуқий билимларнинг моҳияти ва мазмунини янада кенгроқ тушунтиришга, келажак ҳаётимиз учун масъулият билан яшашга, соғлом болани дунёга келтириш ва вояга етказишга катта ёрдам беради.

Жуманазор ХОЛМИНОВ,
юридик фанлари доктори, профессор

ҚўЛЛАРИМДА КЎНГЛИМНИ ЯРАТГАНМАН...

Аёлни сева олмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан беҳабар ўтади.
СТЕНДАЛ


...Ёшлик. Умрнинг энг жўшқин пайти. Шу жўшқинликдан фойдалана олганларнинг қолган умри ҳам жўшқин ўтади. Ёшлик — гўзаллик фасли. Ундан кетгинг келмайди. Ёшлик ёнмоқ, севмоқ шарт. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Баҳорнинг сўнгги кунлари. Фильм томоша қилиб кинотеатрдан чиқдим. Кайфиятим аёло. Оддий ижод асари кўнглини бунчалар чоғ этарми?! Кутилмаганда сариқ кўйлак кийган, сочи ўрилган қиз эйтиборимни тортиди. У ҳам беихтиёр мен томонга қаради. Қўзларимиз тўқнашганда ток ургандек титраб кетдим. Ҳали англаб етмаган қандайдир туйғу кўнгли уймани алғов-далғов қилиб, шамолда хилпиратган рўмондек ҳўшимни бошимдан учуриб-учуриб қўярди. Қиз одамлар орасига сингиб, кўринмай кетгунча қараб қолдим. Бир кўришда севиш мумкинлигига ишонмасдим. Муҳаббат ишонтирди. На қувонишни, на йиллашни билардим. Уйга келиб қизнинг ҳайкалини ясадим, лекин ўзини уч йилгача қайта кўрганим йўқ...

Ҳайкалтарошлик ҳақида айтсам, бу — мен яшаган умр, балки яшамагандирман, ким билсин. Лекин минг бор ҳаётимдан розиман. Худо менга учинчи кўзни сийлади. Дунёга келиб дунёни кўрмай кетганлар қанча! Кўнглимга борлиқни сингдириб, қўлларимда кўнглимни яратганман...

Ҳали кичкина эдим. Болалар билан ўйнаётиб, қаттиқ сувсадим. Уйга келсам, ҳеч ким йўқ. Эшикни қулфлаб кетишибди. Шу пайт ҳовли дарвозасидан бир қаландар кириб келди. Жуда чиройли қария экан. Елкасида олтиндек ялтиллаб турган сув қоғоги бор. Қоғоқ бўйнидан кесилиб, икки чеккасида ип ўтказилган. Куёш нурида у шундай товланди, қариянинг юзи, мўйлов-соқоли ҳам нурдан ёришиб турарди.

Салом бердим. Отам "катталарга салом бергин" деб ўргатган. Қария хурсанд, алик олди ва "Қуруқ чой топилайдими?" дера сўради. "Топилади", дедим мағрур. Тезда супага чиқиб, очик деразадан уй ичига сакраб тушдим. Анча титкилаганимдан кейин чойни топдим. Энди ташқарига чиқиш масаласи бор эди. Дераза анча баланд. Сандик устидаги кўрпа-тушакларни оёғим остига қатладим. Шу онда топқирлигимга, ақллигимга ўзим ҳам қўйил қолдим. Икки кафтимдаги чойни қарияга узатдим. У мушт бўлиб тугилган қўлларимга қараб, бошини маъноли силкиди ва чойни олиб, қўтичасига солди. Раҳмат айтиб, узок дуо қилди. Афсуски, нималар деганини эслол-



маيمان. Қариянинг бисотидаги чиройли буюмлар мени ўзига ром этганди, айниқса, тилла қоғоқ. Унинг тилла эмаслигини билардим, аммо шундай аташни ёқтириб қолгандим.

Отамнинг айтишича, қадимда шоирлар ёзган шеър ва ғазалларини халқ оралаб ўқиб юришган. Бу ишни ўзини танитиш, мол-дунё орттириш илнжиде эмас, одамларни яхшиликка даъват этиш мақсадига қилишган. Шу боис уйга келган қария ҳам, дарвеш эмас, мени излаб келган истеъдод бўлса керак, дея ўйлаб қоламан. Лекин ҳалигача жавоб тополмадим. Чанқоғим босилмаяпти. Сувсайман. Тиллақоғоқ ясагим келади. Кимгадир бу тушдек кўринар, балки мен ростдан ҳам туш кўраётгандирман...

СЎЗСИЗ СЕЗИМЛАР

Ижодкор илҳомга тобе. Ёғоч ёки тошга минг тикилиб ўтирганинг билан образ келмайди. Баъзан чакмоқ чакқандек кўзинг олди «ярк» этади. Ана шу пайт илҳомнинг этагидан тўтиб, тер тўкиб ишласанг, меҳнатинг ҳовури сақланади. Масалан, кўп буюк ёзувчилар яратажак қаҳрамонларини узок қидирган ва қутилмаган ҳолатларда учратган. Менделеев даврий системасини тушида кўриб, уйғониб, дарров қорозга туширган экан.

Туш. Кимлардир унга ишонди, баъзилар эса, йўқ. Лекин қизик, тушимда бир қизни кўп кўраман. Унга Мақбал деб исм қўйганман. Ёнма-ён юради, гаплашиб ўтиради мен билан. Турли қўшиқ, ҳикоялар айтиб беради. Гаплари бирам маъноли, ёқимли. Нега буни бошқаларга ҳам айтмайсан, десам, "Бу айтиладиган сўз эмас, сўзсиз сезимлар", дейди.

Тонгда туриб ўйланаман. Ижод ҳам сўзсиз сезим эмасмикан?!

Бир кунлари яна тушимда Мақбални учратдим. Қўшиқ айтиб берди. — Ох, бунчалар ақойиб қўшиқ, "Яна айтинг", дея илтимос қилдим. — Иложи йўқ, — деди қулиб. — Бир бор чўмилган дарёга иккинчи бор чўмилиб бўлмайди. Сен чўмилган сув оқиб кетади. Шу каби — айтилган қўшиқни иккинчи бор айтишнинг иложи йўқ. Бу бошқа ижро бўлади.

Аёлни
улуғловчи
ҳайкалтарош
ҳақидаги
афсонавий
ҳақиқат

San'at va siyrat

Бир яратган нарсани иккинчи бор яратиш мускин эмас. Бу иш Леонардо да Винчининг ҳам қўлидан келмаган. Ижод қайталанмайди...

Эрталаб уйғондим. Чирокни ёқмадим. Одамга айланаётган ёғочга қараб ётдим. У қоронғиликда яхши кўринмаётганди. Қуёш нурлари хонани ёритганида ҳайкал бус-бутун гўзаллиги ва камчилигини намоеён этди. Ёруғликсиз ҳақиқатни, тўғрироғи, гўзалликни кўриб бўлмаслигини англадим. Тун ҳам ой-юлдузларсиз ғариб. Ҳақиқий ижод асари ҳам — ёруғлик. У орқали биз кўмилиб ётган ўтмиш ғорларини очамиз, тарихни тирилтирамиз, уни маёқ қилиб келажакка йўл оламиз!

ГЎЗАЛЛИК ҲАҚИДАГИ ГЎЗАЛЛИК

Гўзаллик деганда кўз олдимизга беихтиёр табиат ва аёл тисоли келади. Чунки табиат неъматлари ила бизни боқди, аёл одамни дунёга келтириб, оқ сут бериб тарбиялайди. Она табиат деб беҳиз айтилмаган. Шу боис дунёда абадул-абад тилга олинмаган икки мавзу: табиат ва аёл мавзуси бор. Лекин биз доим ҳам уларга мос таъриф тополмаймиз. Ҳали-хануз муҳаббатимизни етказолмай оворамиз. Бир савол тўғилиди: Ҳофизни Самарқанд, Бухорони «бериб юбориш»га мажбур қилган — бир холмиди? Чўлпоннинг «Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал»и бормиди? Қорақалпоқ халқ достони "Қирқ қиз"да бир йигитнинг "Хўш келдингиз" деган бир сўзига "Таом емай, ўн беш кун ҳам яшардим"и ростмиди? Ким учун?! Дунёда хоҳлаган одамдан сўранг, "Ким гўзал?" деб. Севган ёрини айтди. Муҳаббат чиройли. Иккинчидан, дарахт меваси қанча кўп бўлса, шунча ерга эгилади. Шохи синиб кетмасин деб, бобгон унга тиргақ қўяди. Ҳар қандай нарсанинг ўлчами, оғирлиги ўзига яраша. Меъёридан ортиғи кўз чиқазади. Хўш, гўзаллиқнинг чегараси борми? Бир кун радиодан шундай қўшиқ эшитгандим:

Нозик қаддинг
турган каби эгилиб,
Сулукни салмоғини
кўтара олмай...

Зап топиб айтилган. Сулувларнинг салмоғи бор. Қанақасига, дейсизми? Киприклари майин қайрилган, қошлари ингичка, қалдирғоч қанотидек беозор, кўзи қулган, оғзи ўймоқ, сўзи қаймоқ, қадди толдек, юзи оппоқ, гул жамолини кўриб бўлбул қуймасин, ох, деб, бошини эгиб, ҳеч кимга бермай озор, ёнингизда қиё боқиб турган гўзал...

Эгилиб турган қиз ҳайкали ана шундай ўй-хаёлларим меваси. Умуман, яратган образларимнинг ҳаммаси мулойим. Ақлли, иболи-ҳаёли, вафодор... Уларга дутор чертиб, қўшиқ айтиб бераман. Ота-она фарзандларини тарбиялагандек, ҳайкалларимни шундай ясадим, тарбияладим.

ОНАМ ДЕРМАН...

Болалик ҳақида ҳамма ҳам хотирлайди. Лекин ўй-қараш, тушунчаларимиз шу ҳозирги ёшимизга мос. Боланинг болалик ҳақида ўйлаганлари буткул ўзгача бўлади, балки у, умуман, бу ҳақда ўйламас. Ўзим ҳам бола пайтимда келажак ҳақида ўйлардим, энди эса, болалик ҳақида айтгим келади. Чунки у пайтлари ота-онам ҳаёт эди. Онам раҳматли жуда билимли, ақли эди. У қалбимда аёл зотиға нисбатан кучли меҳр-муҳаббат уйғотган...

Қарилкик ёшига етсам ҳам, қандайдир қийинчилик, муаммага учраб, ечим тополмай турганимда "онам бўлганида эди" деган ҳаёлга бораман. Барибир, одам онаси учун бир умр бола бўлиб қоларкан. Қийналганида онасини қидиракан, она меҳрини изларкан...

Онам сочини ўриб, рўмон ўраб, савкеле кийиб, билагига билакузук, бурнига арабек тақиб юрарди. У доим мени ўзи билан ўтиришларга олиб борарди, у ерда айтилган қўшиқ, достон, термалар маъносини тушунтирарди. Уйга келганимизда нималар ўрганганимни сўрарди. Шу боис халқ оғзаки ижодиға, миллийликка қизиқишим кучли бўлди. Айниқса, аёл-қизлар кийим-кечак ва тақинчоқларини йиғишни хўш қўрардим.

Рус расоми, археолог ва коллекционер Игорь Савицкий илк бор Қорақалпоғистонга 1950-йиллари Сергей Толстов бошчилигидаги экспедиция аъзоси сифатида келганди. Уни халқимиз маданияти,

урф-одатлари қизиқтириб қолганди. Натижада Нукус шаҳрига кўчиб келди. У билан биргаликда Тупроққалъа, Қўй қирилган қалъа, Анқалъа, Аяққалъа, Говурқалъа каби тарихий қадамжоларда бўлиб, қазिश ишларини олиб бордик. Миллий тақинчоқлар, гилам, танга пул, кийим ва шу каби тарихий буюмларни йиғдик. Қўплаб синиб, бир-бирига аралашиб кетган кўза, товоқ каби идишларни қайта тикладик. Савицкий тунлари ухламасдан «ямоқчилик» қиларди. Шунча синиклар орасидан бир буюмга тегишли бўлакларни топиш осон эмас, бунинг учун диққат ва санъаткорона билим талаб этилади.

Халқ орасида юриб, байрам-тўйларда қатнашиб, дастурларни ўргатиш баҳонасида музей учун миллий буюмлар ҳам йиғардик. Бир кун Минойим исмли улуғ ёшлиқ мойнинг уйига бордик. У сандиғидаги турли тўн, чакмон, бош кийим ва савкелесини кўрсатди. Савкелени сотинг дегандики, кўнмади:

— Бу ҳаётим мазмуни, ёшлиқдан хотира, эсдалик, юпанчим... Қари одамман, вафотимдан кейин олсангизлар, майли, — деди. Момойни ортқ қийнамадик. Орадан анча вақт ўтди. Иккинчи бор борганимизда момой ўтган экан. Ҳақиқа дуо қилганимиздан сўн савкелени сўрадик. Одамлар уни табаррук деб, биз ҳам узок яшайлик деган маънода иримга бўлиб олишибди. Эшитиб роса ҳафа бўлдик. Шундай чиройли кийимни тилим-тилим қилишга қандай журват этишган экан-а?! Кимлардир машаққат билан тикишади, кимлардир иримга деб йиртишади. Тарихимизнинг ямоқчилиги, сочилиб кетганлигининг боиси шундай тушунмовчиликлар сабабли эмасмики?!

Ҳа, айтганча она ҳақида айтгандик. Она образи энг буюк образ. Она — Ватан, она-табиат, она тили... Бу ҳақда тўхталиб ўтиришнинг ҳождати йўқ назаримда. Дунёда энг улуғ, энг азиз нарсалар она номи билан боғлиқ. Одамнинг буюк ва суюқ бўлиши ҳам онага боғлиқ...

ҲАЁТГА МУҲАББАТ

...касаликка чалиндим. Операция қилишадиган бўлишди. Яшаб қолишим ёки ҳаётга алвидо айтишим мумкин, тақдирим шифокорлар қўлида эди. Ташқарига чиқиб кенг осмон, дарахтлар ва одамларга қараб, ўйландим. Тўйиб нафас оларканман, дунё кўзимга ўзгача кўринди. Жуда гўзал! Уни қандай ташлаб кетаман? Эҳ, бир кам дунё! Қизимни эртароқ очсанг бўлмасмиди? Ўлимга юз тутганимда асли дунёни кўриш аламли. Асли дунё қандай дейсизми? Мафтункор...

Шу онда ёнимга бир киши келди. Ўзини таништирди(афсуски, исми ёдимда қолмаган). Шофёрлик қиларкан. Сиз нимани ҳис этаётганингизни биламан, деди, кўзларимга маъноли боқиб. Ўтган йили мен ҳам пичоққа илинганман...

(Давоми 16-бетда.)

Хар бир жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-маънавий тараққиётини таъминлашда илм-фан жуда муҳим ўринга эга. Фан ютуқлари жамият ҳаётининг янада яхшиланишига хизмат қилаётган ушбу даврда Юртбошимиз раҳнамолигида юртимизда ушбу соҳа тараққиётига катта эътибор берилётгани кўлаб натижаларга эришишга хизмат қилмоқда. XX асрда география, геология, тарих, кимё каби бир қатор фанлар баробарида, биология фани ҳам шиддат билан ривожланди. Неча йиллардан буён инсониятни қизиқтириб келаётган саволларга жавоб топилмоқда. Шундай буюк кашфиётлардан бири фан оламида DNK тузилишини кашф этилиши бўлди, десак адашмаймиз.

Авалло шунинг эътирофи этиш керакки, жамики тирик мавжудот ҳамда бир қанча вируслар ҳужайраларида DNK топилган. DNK – (дезоксирибонуклеин кислота) нуклеин кислота бўлиб, ирсиятнинг моддий асоси ҳисобланади. Яъни, DNKда ирсий ахборотлар сақланиб, улар наслдан-наслга берилади. Ота-онадаги айрим хислатлар, ташқи қиёфадаги ўхшашликлар, баъзи касалликларнинг фарзанда ҳам такрорланиши айнан DNKда сақланган ахборотларга боғлиқ. Фарзандларга шунингдек, организмда кечадиган қон айланиши, овқат ҳазм қилиш каби физиологик жараёнларда учрайдиган касаллик ёки ҳолатлар ҳам DNK орқали ўтади. DNKда ёзилган ахборотлар сизими олимларни, бутун инсониятни ҳайратда қолдирадиган даражада каттадир. Маълум бўлишича, инсоннинг битта DNK молекуласида ёзилган ахборот миллион жилдли энциклопедияни тўлдиришга етаркан. Шу сабаб ҳам, нуклеин кислоталарни мажозий маънода «Организмнинг сирли сандиғи» деб аташ мумкин.

DNK тузилиши сирининг очилиши фан оламида катта янгиллик бўлди. Чунки бу воқеа ирсиятнинг, белгиларнинг наслдан-наслга ўтиш жараёнини молекуляр ўрганилишига ёрдам берди. 1869 йилда немис олими Фредрих Мисчер ҳужайра тузилишини ўрганиш жараёнида, спирт ва ферментлар билан қоннинг шакли элементларидан бири бўлган лейкоцитга таъсир этиб, центрифуга деган асбобда центрифугалаб, оқ кукун моддани ажратиб олган ва унга нуклеин деб ном берган. DNKнинг таркиби нуклеотид ва фосфат кислота қолдиқларидан иборат деган хулосага келган. У DNKнинг илк бирламчи тузилишини кашф этиб, «DNK битта занжирдан иборат ва бутун тирик организмларда учрайди», деган гоани илгари сурган. Ўша

вақтда кўпчилик олимлар бунга унчалик эътибор қаратмаган. Чунки унинг назариясини кўлаб далил ва саволлар инкор этган. Жумладан, ўша вақтлардаги илм-фан юқори даражада ривожланган организмлардаги оддий, бир занжирли DNKда ирсий ахборотнинг сақланишини тушунтириб бера олмаган.

О. Эйвери ва шогирдлари (1944) трансформация асосида ҳужайрага ёт(бегона) DNK

ни синтез қилиши билан боғлашади.

DNKнинг кўш спирал тузилишини инсониятга тушунтириш ҳам жуда мураккаб кечди. Шунинг учун Уотсон ва Крик ўша кезлари янги қурилатган уйлarning қурувчилари билан учрашиб, улардан зиналарни айлана спирал шаклда қуришни илтимос қилишади. Бошқа олимларга ана шу зиналар ёрдамида DNK занжирининг қайси қисмида азот асослари, қайси қисмида углевод ва фосфор қолдиқлари жойлашганини кўрсатиб, тушунтириб беришди ва ушбу кашфиётлари учун Нобел мукофотида сазовор бўлишади.

DNK тузилишини кузатилган бўлсак, Уотсон ва Крик моделига асосан, DNK 2 полинуклеотид занжиридан иборат. Занжирда DNK молекулалари комплементар азот асосларининг водород боғлари орқали ўзаро бирикди. Тирикликнинг моддий асоси бўлган



ларни ўлчаш орқали қушлар яна қанча вақт яшай олишларини тахминан аниқлаб бера олганлар.

Айни пайтда инсон DNKсидаги теломерлар узунлиги билан инсон умри, унинг турли касалликларга чалиниш эҳтимоллини ўрганиш юзасидан кенг қамровли изланиш-

генетик ўзгартирилган озиқ-овқатлар яратилиши эвазига ҳал этилаётганини ушбу кашфиётлардан бири сифатида эътироф этишимиз мумкин. Ёки криминалистика ва археологияга оид ютуқлар ҳам бевосита DNKнинг ўрганилишига оид. Хусусан, яқиндаги на олимлар кўлга киритилган биргина DNK орқали инсон юз қиёфасини тиклай олишнинг улдасидан чиқинди.

Дунё олимларининг энг катта кашфиётларидан бири бўлган одам кариотипининг ўқилиши эса DNK таҳлили орқали ирсий касалликларнинг аниқланиши, даволаш чораларининг йўлга қўйилиши натижасида жамиятда соғлом муҳитнинг шаклланишига олиб келмоқда. Шунингдек, замонавий технологиялар асосида ҳомила хорионидан ажратиб олинган суюқлик DNKсининг ўрганилиши тўғрисида тўғилажак боланинг ирсий касал ёки соғлом дунёга келиши барвақт аниқланиб, муддатидан аввал даволаш чоралари кўрилмоқда.

Умуман олганда, инсонда

ОРГАНИЗМНИНГ «СИРЛИ САНДИҒИ»

унинг синоатларини ечиш инсон умрини узайтириб, касалликлар барҳам топишига йўл очади

киритиб, ирсий ахборотни ўзгартиришини аниқлашди. Кейинчалик трансдукция (бактериофаглар орқали бир ҳужайрадан иккинчисига DNK қисмларининг кўчириб ўтказилиши) ҳолисасининг кашф этилиши ирсий модданинг моддий асоси айнан DNK эканлигини исботлади. Юқорида келтирилган илмий изланишлар Д. Уотсон ва Ф.Крик (1953) томонидан DNK молекуласи кўш спирал моделининг яратилиши учун асос бўлди. Айрим маълумотларга қараганда, DNKнинг тузилишини биринчи бўлиб Уотсон тушида кўради. Кундузги изланишлар олимга жуда қаттиқ таъсир қилган. Бир кун жуда толиққан Уотсон ўзининг илмий лабораториясида ухлаб қолади ва тушида иккита илоннинг бир-бирига занжирсимон бўлиб чирмашиб ётганини кўради. Шундан сўнг, тезда унинг расмини чизди ва шу асосда кўш спирал DNK кашф қилинади. Бу воқеани олимлар, инсон ухлаганда ҳам миёнини ишлаши, кундузги воқеалар-

DNKда сақланадиган ахборот айнан ана шу азот асосларида ёзилган бўлади. Азот асослари спиралнинг ичида турли таъсирлардан холи қилиб жойлаштирилиши ҳали фан еча олмаган синоатлардан биридир. Ваҳоланки, дезоксирибоза ва фосфор қолдиқлари занжирнинг четда жойлашгани боис, турли таъсирларга учраши маълум.

DNK тузилиши, репликацияси(DNK ўз-ўзини синтез қилиши), репарацияси(синтез жараёнида бузилишлар учраган DNK участкаларининг «созланиши») жараёнларининг кашф этилиши, ўрганилиши фан оламида бошқа муаммоларнинг ҳам олдини олишга, турли касалликларни даволашга сабаб бўлмоқда.


Жумладан, охириги вақтларда эътироф этилишича, хромосоманинг тугалланиш жойида теломер деган қисм мавжуд бўлиб, бу ҳудуд махсус DNK кетма-кетликларидан иборат. Энг қизиғи, айнан ушбу қисмда DNK ўз-ўзини синтезлай олмайд.

Глазо университетининг тадқиқотчилари теломернинг ҳаёт давомийлигига боғлиқлигини илмий жиҳатдан исботлаш мақсадида 99та зебрасимон амадин қўшларида бир неча марта хромосомаларнинг тугалланиш участкалари узунлигини ўлчаб, қушлар шу пайтгача ва тажрибадан кейин қанча яшаганлиги билан солиштирилган. «PWS» журналыда эълон қилинган мақолада муаллифлар мамнуният билан шунини қайд қилганларки, улар биринчи марта теломер участкалари узунлиги билан организм ҳаёт давомийлиги ўртасидаги каттий мувофиқликни кўрсатиб, теломер-

лар олиб борилмоқда. Узоқ муддат давом этган ана шундай тажрибаларнинг бирида олимлар саратон хасталигига чалинган беморлар теломерларининг нисбатан қисқа эканлигини аниқлашди. Теломерларнинг қисқа бўлиши саратон хасталигига чалиниш эҳтимоллини 3 баробар ошири-

DNK тўғрисида қизикарли маълумотлар:

- ◆ DNK ҳар бир тирик ҳужайрадан топилаган.
- ◆ Ҳар бир ҳужайра ичидаги DNK спирал текисланса, узунлиги 2 метрга етади.
- ◆ Одамнинг DNKси таркибидagi нуклеотидлар кетма-кетлиги ичак таёқчаси бактерияси билан 7 фоиз, чувалчанг билан 21 фоиз, сичқон билан 90 фоиз, Шимпанзе маймунлари билан 94-98 фоиз ўхшаш бўлади.
- ◆ Ҳужайра ядросида DNKдан ташқари, митохондрия ва пластидалар ҳам мавжуд бўлиб, улар ирсий ахборотни ўзидa сақламайди.
- ◆ Бутун инсоният DNKси 99 фоиз бир-бирига ўхшаш бўлиб, фақат бир фоизгана ўзарo фарқ қилади.




ши маълум бўлди. Бироқ изланишларга раҳбарлик қилган Стефан Кихлнинг сўзларига кўра, тадқиқот натижаларини ҳозирча барча одамларга нисбатан кўлаб бўлмайд. Чунки тадқиқотлар фақатгина битта ҳудудда ва фақат битта европонд ирқига мансуб бўлган кўнгиллилар билан ўтказилган.

DNKнинг кашф этилиши биокимё, молекуляр биология, биотехнология, тиббиёт, фармацевтика каби соҳаларнинг шиддат билан ривожланишига олиб келди. Жумладан, трансген ўсимликлар, трансген ҳайвонлар олиш биотехнологияси тараққий этди. Бундан ташқари, озиқ-овқат тақчиллиги муаммоларининг

ҳар қандай белгининг вужудга келиши, ирсий ахборотнинг сақланишида DNKнинг аҳамияти катта. Шу билан бирга, ҳозирги кунда йўлга қўйилган замонавий — ГЕН ТЕРАПИЯСИ деб аталувчи усул ишлаб чиқилганки, бу турли касалликларни даволашда кенг қўлланилмоқда. Рекombinant DNK олиш технологиясининг кашф этилгани ҳам кўпгина касалликларни даволаш имконини оширди. Ҳаттоки, шу йўл билан ОИТСнинг айрим турларини даволаш чоралари топилагани қувонарли ҳол, албатта.

Дилнавоз БЕРДИЕВА,
ЎЗМУ биология-
тупроқшунослик факультети
талабаси




СТРЕСС НАСЛДАН-НАСЛГА ЎТАДИ

Буюк Британия ва швейцариялик олимлар кучли стресс моддалар ал-машинувиининг бузилишига сабаб бўлишини илмий жиҳатдан исбот-лаб беришди. «Nature Neuroscience» нашрида эълон қилинган маълумот-га кўра, мазкур ҳолат келгуси насл-ларга ҳам ўз таъсирини кўрсатар экан.

Тадқиқотчилар сичқонларда олиб борилган изланиш-ларда соғлом ва тумма хасталикка чалинган кемирувчи-ларнинг РНК(рибонуклеин кислота)сини солиштириб кўришди. Мутахассисларнинг аниқлашича, стресс таъси-ри остида қон ва миядаги бир неча РНК гуруҳларининг миқдори ўзгариб, улар билан боғлиқ жараёнлар ҳам но-тўғри тарзда кечган.

Ушбу натижадан сўнг сичқонда кузатилган стресснинг



наслга қандай таъ-сир этишини аниқ-лаш мақсадида улар қолдирган икки авлодни ҳам тадқиқ этиш гоёси пайдо бўлди. Уму-мий ҳулосаларга кўра, сичқон авлод-ларида, гарчи улар ҳеч қандай тушқун-бўлса ҳам, стресс сақланиб қолган. Олимлар мазкур вазият моддалар ал-машинувиининг бузилиши натижасида вужудга келганини таъкидлашмоқда. Яъни, кейинги наслларда қондаги ин-сулин ва қанд миқдори соғлом организмидан анча паст миқдорни ташкил этган. Афсуски, учинчи авлодда ҳам мазкур ҳолат қайтадан кузатилган. Бу эса бўлгуси ота-оналар фарзанд кўришга тайёргилиш чоғида стрес-сли вазиятлардан четроқ юришлари лозимлигини англа-тади. Зеро, юқорида тилга олинган тадқиқот натижаларидан ота-оналардаги узоқ давом этган руҳий зўриқиш-лар неварачевараларида ҳам ўз салбий асоратини қол-дириши мумкинлиги маълум бўлди.

ҲАР БИР ОРТИҚЧА ДАҚИҚА — ЗАРАР

Норвегиялик мутахассисларнинг қайд этишича, болалар компьютер ва телевизор қаршида қанча кўп ўтирса, суякларидagi минераллар зичлиги шун-чалик камайиб боради. Маълумки, инсон суяклари ривожланиши туғилгандан бошлаб ўсмирлик даври ўтганига қадар давом этади. Суяклар мустаҳкамли-ги ва ҳажми жиҳатдан тўқималарнинг энг ривожлан-ган вақти эса айнан ўсмирлик даври бошланишига тўғри келади.



Ўсмирларнинг тўғри овқатланиши ва jismoniy фаоллиги саломат-лигига қанчалик ижобий таъсир кўрсатса, улар-нинг зamonaviy axborot қурilmalariga му-касидан кетиши суяк тўқималарининг заиф-лашувига олиб келади.

«The Times of India» нашрида келтирилган маълумотга кўра, олимлар Норвегиянинг Тромс шаҳри-да истиқомат қилувчи 15—18 ёшли 463 нафар қиз ва 484 ўғил бола ўртасида изланиш олиб боришди.

Уларнинг тос, бўйин ва бошқа суяклари мустаҳкамлиги махсус рентген технологияси ёрдамида текшириб кўрил-ди. Шунингдек, ўсмирларнинг ҳаёт тарзи савол-жавоб ҳамда сўровнома орқали таҳлил қилиниб, уларнинг дам олиш кунлари телевизор ва компьютер қаршида неча соат вақтини ўтказиши ўрганилди. Бўш вақтларида jismoniy машғулотларга эътибори ҳам инобатга олинди.

Яқунда ўсмир болаларнинг монитор қаршида ўтказ-ган вақти ва суяклар мустаҳкамлиги ўртасида бевосита боғлиқлик мавжудлиги маълум бўлди. Бу боғлиқлик ҳат-токи улар жинси, ёши, тана вази, зарарли одатлар ва овқатланиши каби омиллар бир-бирдан фарқ қилган тақдирда ҳам ўзгаришсиз қолди.

Мутахассислар ота-оналарга дам олиш кунлари турли jismoniy машғулотлар, табиат қўйнига саёхатлар уюш-тириш орқали фарзандларининг имкон қадар телевизор ва компьютердан узоқроқ бўлишини таъминлашни та-всия қилишмоқда.

ФАСТ-ФУД САРАТОН САБАБЧИСИ

Авалли изланишларда мунтазам равишда фаст-фуд, яъни тез тайёр бўлувчи таомларни истеъмол қилиш икк саратонини юзага келтириши тасдиқ-ланган эди. Яқинда ўтказилган тадқиқот эса инсон-ларни янада эҳтиёткорликка қорлайди.



«The Daily Mail» нашрида маълум қилинишича, ёғли таомлар кўрак бе-зи саратони касаллигининг юзага келиш эҳтимолини 28 фоизгача оши-ради. Бу ҳодиса эса айрим генлар-даги мутация жараёни билан боғлиқ экан. Олимлар гормонларга боғлиқ бўлган мазкур касалликни келтириб чиқарувчи сабабларни, овқатлар ора-сидаги боғлиқлики, гормонларнинг умумий аҳоли ва хасталик ривож-ланиши эҳтимолларини атрофлича ўрганиб чиқишди. Қизиқарлиси, тах-



лларда ёғли таомларнинг кўрак бе-зи саратонига ҳеч қандай таъсири кузатилмаган. Мазкур тушунмовчилик-нинг ечимини ши-фокор Сабин Сьер бошчилигида Милан миллий институти ҳамда Саратон мил-лий институти хо-димлари изоҳлаб беришди. Бунда асосий хавф ёғда қовурилган ва фас-фудларда кўп миқ-


дорда учровчи тўйинган ёғлар билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари, улар таркибидagi холестерин моддаси ҳам саратоннинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

ТАРВУЗ ҚОН БОСИМИНИ ТУШИРАДИ

«The Daily Mail» нашрининг хабар беришича, Фло-рида университети(АҚШ) профессори Артуро Фи-гери бошчилигидаги олимлар гуруҳи тарвуз экст-ракти ортиқча вазнга эга кишиларга юқори артери-ал қон босимидан халос бўлишга ёрдам беришини аниқлашди.

Изланишлар мобайнида ортиқча вазнга эга 13 нафар кўнгилли артериал қон босимини тушириш мақсадида 12 ҳафта махсус лархезга rioя қилишди. Шунингдек, уларга ҳар кун таркибда бир грамм L-цитруллин ҳамда икки грамм L-аргинин мавжуд бўлган тарвуз экстракти бериб боришди. Яна бир назорат гуруҳига эса ушбу фаол моддалар ўрни-га плацебо ичирил-ган.


Таърибалар якуни-да маълум бўлишича, тарвузнинг сиқиб олинган суви ҳақиқат-дан ҳам артериал қон босимини туширади. Юқорида тилга олин-ган препаратлар эса қўшимча равишда ичирилиши мумкинлиги таъкидлан-ган. Бироқ артериал қон босими мавжуд беморларнинг тарвуз экстракти ёрдамида даволалиши шифокор назо-рати остида, дори воситалари ёрдамидаги махсус даво-лаш жараёни билан биргаликда амалга оширилиши мақ-садга мувофиқ.



ТИНЧ ОКЕАНИДАГИ ВУЛҚОН-ОРОЛЛАР БИРЛАШДИ

Америка космик тадқиқотлар агентлиги (NASA) мутахассислари тақдим этган маълумотларга кўра, ер сатҳини ўрганишга ихтисослашган сунъий йўлдош ва ускуналар ёрдамида кунчиқар мамлакат бўлимиш Япония яқинида вулқонлар отилиши нати-жасида ҳосил бўлган бир неча орол ўзаро туташ-иб, яхлит кўринишга келганлиги аниқланган.

Япония пойтахти Токио жанубидан минг километрча узоқликда жойлашган мазкур оролларнинг вулқонлар оти-лиши натижаси-да юзага келга-нига унча кўп бўлгани йўқ. Яна-да аниқроқ айт-ганда, янги пай-до бўлган вул-қон-ороллар ҳақидаги ilk маълумотлар ўтган асрнинг 70-йилларида



расман ўз тасдиғини топган бўлиб, уларнинг энг бирин-чиси олимлар томонидан Нисиносима деб номланган эди.

Ўтган йилнинг сўнги чорағида эса улар яқинида яна бир янги вулқон-орол вужудга келди. Орадан ўн ойга яқин вақт ўтган, янада йириклашган ороллар бирилашиб, яхлит, йирик орол қўёғасини олди. 1970-йилларда очил-ган ягона оролдан фарқли равишда, янги орол катта тезликда ўсиб, йириклашиб бормоқда.

С.РУСТАМОВ, Ҳ.УСМОНОВА тайёрлади.



«France-Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, Нигерия пойтахтидаги авто-вокзалда душанба кун тонгги тигиз вақтда амалга оширил-ган кетма-кет иккита портлаш оқибатида 71 киши ҳалок бўлган ва яна 124 киши яра-ланган, 40та автобусга жиддий зарар етган.

Етти нафар боланинг умри-га зомин бўлганликда гумон қилиниб қўлга олинган АҚШ-нинг Юта штатидаги Плезант-Грув шаҳрида истиқомат қилувчи 39 ёшли Меган Хан-тсмен исмли аёл ўз фарзанд-лари жасадини уйи ёнидаги га-ражда, махсус қутиларда мах-фий равишда сақлаган.

Мексикадаги Косамалоапан ва Акаюкан шаҳарларини боғ-лаб турувчи трассада рўй бер-ган йўловчи автобусининг ав-тоҳалокатта учраши натижаси-да ёнгин юзага келиб, аланга ичида қолган 36 нафар инсон ҳаётдан бевақт кўз юмган, тўрт йўловчи эса қаттиқ жароҳат-ланган.

Тахминларга кўра, Чили-нинг Вальпараисо шаҳрида қушларнинг электр тармоғида қисқа туташув келтириб чи-қаргани боис содир бўлган йирик ёнгин натижасида 2 мингдан зиёд уй-жой аланга ичида қолган, 10 минг киши эвакуация қилинган, ҳодиса оқибатида 15 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган, 8 минг на-фари турли даражада жароҳат олган, ўт ўчириш ишларига 3,5 минг мутахассис, 14 вертолёт, 4 самолёт жалб қилинган.

Тинч океанининг жануби-ғарбида жойлашган Соломон оролларидаги Киракира аҳоли пункти яқинида рўй берган 7,7 ва 5,9 баллик зилзилалар оқибатида бир қанча бинолар шикастланган, дастлабки ер қимирлашидан сўнг ҳудудда пу-нами хавфи эълон қилинган, табиий офат сабаблари ўрга-нилмоқда.

АҚШнинг Канзас штатида-ги Канзас-Сити шаҳридаги ту-манлардан бирининг маркази-да номаълум жиноятчи томо-нидан уюштирилган отишма оқибатида уч киши ҳалок бўлган, 14 ёшли ўсмир жид-дий жароҳатланган.

Тошкент вилояти Бўстонлик ту-манидаги 9-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1995 йилда Маназарова Зарифа Ера-лиевна номига берилган 018295-рақамли шаҳодатнома йўқолган-лиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЯНГИЛИК ИЗЛАБ...

Адабиётшунос Курдош Қахрамонов илк мустақил ишини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт илмий тадқиқот институтида бошлади. Мана, деярли ўттиз йилдан буён Тошкент давлат педагогика университетида дарс бериб келади. Унинг маърузаларини тинглаган талабалар бугунги кунда республикамизнинг турли таълим-тарбия масканларида ҳалол меҳнат қилиб келмоқдалар. Қ. Қахрамоновнинг дастлабки илмий изланишлари ҳам таълим-тарбия масалаларига дахлдор бўлди. Ана шу изланишлар натижаси ўлароқ майдонга келган "Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти" (1991) монографияси мутахассислар томонидан илқ кутиб олинди. Болалар шоирлари ва адаблари эътиборига тушди.

Таъкидлаш жоизки, олим танқид ва адабиётшунослик муаммоларини, ёзувчилар иходини олиқ ва ўрта тахсилдаги таълим-тарбия масалалари билан боғланишда ўрганишга интилади. Унинг "Тил ва адабиёт таълими" журналида эълон қилинган "Бадиий юксак ва фалсафий теран иход соҳиб", "Педагогик таълим" журналида чоп этилган "Олий таълимда Ўзлон иходини ўрганишнинг маърифий-эстетик аҳамияти", "Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Ўзлон шеърининг ўрни" каби мақолалари таълим-тарбиядаги амалий қиммати билан ажралиб туради.

Қ. Қахрамонов ўз тадқиқотларида ватанпарварлик тарбияси, она юрта садоқат руҳини мустаҳкамлашда бадиий адабиётнинг тугган ўринини таҳлил этишга алоҳида эътибор беради. Унинг шу йўналишдаги "Ватан мадҳи талқинлари" рисоласи айниқса мактабгача тарбия муассасалари, ўрта мактаблар, лицей ва коллежлар ўқувчилари учун амалий аҳамиятга моликдир.

Курдош Қахрамонов доимо давр билан ҳамқадам бўлишга интилади. "Адабий танқидда янгиқа концепция", "Янгиқа тафаккур талқини", "Қайта баҳолаш янгиқа тамойил сифатида" каби мақолалари бунинг далили бўла олади. Бу мақолалар истиқлол даврида бадиий адабиёт ва танқидчиликда рўй берган ўзгаришларни, янгиқа адабий-эстетик мезонларни аниқлашга ҳаракат қилинган билан қимматлидир.

Курдош Қахрамоновнинг илмий фаолиятида адабиётимиз ва танқидчилигимизнинг бахсли, мунозарали масалаларига қизиқиш кучли экани кузатилади. Унинг "Абсурд фақат маънисизликми?", "Адабий танқидда модерн асар талқини", "Адабий танқидда структурал метод талқини", "Биографик талқин имкониятлари" сингари мақолаларида сўнги босқич ўзбек танқидчилигида юзага келаятган тадқиқ ва таҳлилни янги принциплари жаҳон танқидчилигининг ана шу йўналишларидаги илгор аъёнлари контекстида ўрганишга ҳаракат қилиниши билан эътиборлидир. Бу изланишлар, бир жиҳатдан, ўзбек мунаққидлари тафаккурида рўй бераётган сифат-савиядаги ўзгаришларни, иккинчи жиҳатдан, адабиётшуносларимиз олдида шу масалалар юзасидан янги-янги талаблар қўйилиши, кўзга ташланаётган камчиликларнинг аниқ кўрсатиллиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Олимнинг бу борадаги кузатишлари, хулосалари, айрим таниқли мутахассислар билан дадил баҳслари яна шуниси билан аҳамиятлики, уларда илгари сурилаётган қарашлар танқидчиларимизни ҳам, адабларимизни ҳам

бефарқ қолдирмайди. Бинобарин, илмий ва бадиий соҳа иходкорларига муайян таъсир кўрсата олади. Чунончи, Қ. Қахрамонов атоқли адабиётшунос Умарали Норматовнинг "Қаҳор асарларидаги абсурд, шунингдек, экзистенциализм аломатлари Оврпо модернизм адабиётидан фарқли ўлароқ, реализм аъёнлари заминиде шаклланган, мустабил мафкура, синфийлик тушунчалари гўборида бутунлай холи бўлмаган ҳодисадир" деган фикри билан баҳсга киришиб, ёзади: "Қаҳорнинг тилга олинган асарлари («Сароб» ва «Ўтмишдан эрталар» — Б. Н.) реализм аъёнлари заминиде юзага келган, ҳатто улар мустабил мафкура, синфийлик тушунчаларидан холи эмас экан, бу асарлардаги ўтмишнинг қоронгу манзаралари чизилган ўринларини далил сифатида келтириб, уларни абсурд адабиёти билан боғлаш, бизнингча, тўғри эмас. Шу маънода, абсурдни бир томонлама, яъни фақат воқеликка, аниқроғи, шўро даври воқелигига боғлаб талқин этиш ҳам нотўғри. Аёнки, абсурд, энг аввало, инсон субъекти билан, унинг дунёқараши, фикрлаш тарзи билан боғлиқ ҳодисадир".

Янги давр ўзбек танқидчилигининг методологик муаммоларини тадқиқ этиш олим илмий изланишларининг асосини ташкил этади, дейиш мумкин. Зеро, шу йўналишдаги жиҳидий тадқиқоти учун Қ. Қахрамонов филология фанлари доктори илмий даражасига муносиб топилди. Шу йўналишдаги "Адабий танқиднинг илмий-назарий асослари", "Адабий танқиднинг методологик асослари", "Адабий танқиддаги янгилаш" мақолалари ҳамда "Адабий танқид: янгилаш тамойиллари" номли монографиясида ҳозирги танқидчилигимиз методологиясининг шўро даври танқидчилиги методологиясидан кескин фарқланувчи хусусиятлари илмий асосларда ёритиб берилди. Бу борада олдимизда турган янги-янги вазифаларга эътибор қаратилди.

Бу йил нашрдан чиққан "XX аср ўзбек адабиёти" ҳамда "XX аср шеърини (1900—1930)" номли ўқув-услубий қўлланмалари олимнинг илмий изланишлари тимисиз давом этаётганини кўрсатади.

Мутахассислар жамоаси томонидан ҳамкорликда олиқ ўқув юртларининг бакалавр ва магистрлари учун нашр этилган "Ўзбек адабий танқиди тарихи" номли йигирма беш табоқ ҳажмдаги салмоқли дарсликнинг муаллифларидан бири ҳам Курдош Қахрамонов экани олим меҳнатлари ва мустақил қарашларига билдирилган эътибор намунасидир.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
академик

Гоҳида болаларнинг иштаҳаси йўқолиб, лоҳас бўлиш ва олиқ кетиш ҳолатларини кузатамиз. Кўпчилик бунинг сабабларини бошқа хасталиклардан қидиради. Аслида, инсон саломатлигига ҳавф солувчи бундай белгилар гижжа касаллигидан далолат беради. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) маълумотларига кўра, касалликларнинг 50—60 фоизи тўғридан-тўғри паразит-гижжалар таъсирида келиб чиқади. Ҳозирги кунда ер юзи аҳолисининг 3,5—4 миллиарди айни шу касалликдан азоб чекмоқда. Шундан 1—3 ёшгача бўлганларнинг 5—8 фоизи, 3—10 ёшдагиларнинг 60—65 фоизини, 10—15 ёшгача бўлган болаларнинг 10—15 фоизини ана шу хасталикка чалинганлар ташкил этади.

Гижжа касаллиги юқумли эканлиги билан ҳавф тугдирди. Унинг тухуми бошқа организмга ўтганда яна ҳам ривожланиши ва тез кўпаяди. Чувалчанг гижжаларнинг 300 га яқин тури маълум. Шундан 9та тури кичик ёшдаги болаларда учрайди. У кўзга кўринмас даражада майда бўлган 250 мингтагача тухум қўйиб, ташқи муҳитга чиқади ва тарқалади. Энтеробиоз чувалчанг тури болалар орасида жуда кўп тарқалган бўлиб, гижжа би-

да кичишиш орқали намоён бўлади.

ҚАНДАЙ ДАВОЛАШ МУМКИН?

Замонавий тиббиёт гижжа касалликларининг ҳар қандай турини даволай олади. Азалдан ушбу касалликка чалинган беморни халқ табобатида доривор гижжалар билан даволаш тажрибаси мавжуд. Бу қўйидаги усуллар билан амалга оширилади:

1-усул: ошқовок уруғи

ГИЖЖА — КАСАЛЛИКЛАР МАНБАИ

лан зарарланган озиқ-овқат маҳсулотлари, чала пиширилган гўшт, жигар, ўпка ва қиймалари кабоб истеъмол қилинганда, гижжа тухуми билан ифлосланган уй-жиҳоз бўмларидан фойдаланилганда юқади. Шунингдек, бу касалликка чалинган бемор болалар билан мулоқотда бўлиш, очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш ва уй ҳайвонларини парвариш қилганда инсон танасига ўтиб олади. Бундан ташқари, шивит, петрушка, сельдэр, редиска, помидор ва бодирингнинг яхши юмилмасдан истеъмол қилиниши оқибатида ҳам гижжа организмга тушади. Кейин ошқозон-ичак йўлига ўтиб, илмилқ пардага ўрнашади.

Касалликларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига кўпинча нотозалик, палапартишлик сабаб бўлади. Аксарият ҳолларда гижжа тухумлари ўрнашган қўл касаллик манбаи бўлиши мумкин. Гижжага нисбатан «ифлос қўл касаллиги» дейилишининг сабаби ҳам шу. Бола кўпинча бармоғини сўриб юради, тирноқларини тишлайди. Ўсган тирноқ тагига кир йимғилиб қолиши натижа-сида бола касалликни ўзи билмаган ҳолда оила аъзолари, боғчадаги тенгдошлари ва синфдошларига ҳам юқтиради. Айниқса, очиқ сув ҳавзаларида чўмилган боланинг тери шилмилқ пардалари орқали баданга ўрнашиб олган паразитлар ўзига қулай шароит топиб кўпаяди.

Бу касалликнинг клиник белгилари қандай? Беморда бош оғриғи, иштаҳа йўқолиш, безовталаниш, қувватсизлик, олиқ, вақти-вақти билан тана ҳароратининг кўтарилиши (37,5 даражагача), ошқозон-ичак фаолияти бузилиши каби ҳолатлар учрайди. Шунингдек, ич кетиши, кўнгил айнаиши, баъзан Қахрамонов экани олим меҳнатлари ва мустақил қарашларига билдирилган эътибор намунасидир.

билан. 300 г янги олинган ошқовок уруғи пўстидан тозаланиб (ичидаги яшил пардаси сақланади) ҳавончада оз-оздан эзиб майдаланади. Липочага солинади. Ҳавонча 50—60 мл сув билан чайилиб, липочадаги майдаланган қовоқ уруғи устига қўйилади, аралаштирилади. Тайёр аралашмани оч қоринга 1 соат давомида 4—5 ош қошиқдан истеъмол қилиниб, 3 соат давомида дам олиб этилади. 3 соатдан кейин 25—30 г магний сульфат кукун (порошоги) 200 мл сувда эритиб ичилади. 30 дақиқа ўтгач ҳуқна (клизма) қилинади. Ич сурилгач, ювиниб овқатланиш мумкин. Ич сурадиган дорилар қон босими пайсаяишга олиқ келиши мумкин. Бундай ҳолларда тинчлантирувчи дорилардан ичиш лозим. Бу усул ҳомилдор аёлларда қўлланилмайди.

Қовоқ уруғидан 3—4 ёшдаги болалар 100 г, 5—9 ёшдаги болалар 150 г, 10—11 ёшдагилари эса 200 г, 12 ёшдан катталар 300 граммга-ча истеъмол қилиши мумкин.

2-усул: куртилган 300 г қовоқ уруғи пўсти билан майдаланади. Устига бунинг икки ҳажм микдорига сув қўйилади. Сув ҳаммомида 2 соат қайнатилиб, доқада сузилади. Бироз тиндирилгач, юзасидеги ёғ пардаси олиб ташланади. Тайёр қайнатма 10—15 дақиқа мобайнида ичилади. 2 соатдан кейин ич сурадиган магний сульфат 25—30 г (болаларга бир чой қошиқ) сувда эритиб ичилади ва 30 дақиқадан кейин ҳуқна қилинади.

Қовоқ уруғи билан даволаш орадан 4—5 кун ўтказилиб, 5 марта такрорланади.

3-усул: гижжалардан саримсоқ ёрдамида ҳам халос бўлиш мумкин. Лен-тасимон гижжалардан қутулиш учун оч қоринга 200 г ошқовок уруғи пўстидан тозалаб истеъмол қилинади. Сўнгра 200 мл сутта бир бош саримсоқ майдаланган ҳолида солиниб, 10 дақиқа қайнатилади. Совутилиб, доқа-

дан ўтказилади ва сутнинг ҳаммаси ичилади. Ярим соат ўтгандан кейин сурғи дори (магний сульфат кукунидан 30—50 граммга олиб 200 мл сувда эритиб) ичилади. Ич юриши билан яна ҳуқна қилинади. Бунинг учун 5—10 г саримсоқ тозаланиб, бўтқа холига келгунча эзилади ва 250 мл қайнаб совиган сувга аралаштириб, 1—2 соатга тиндириб қўйилади, кейин доқадан ўтказилади.

Гижжаларни ҳайдаш учун янги тайёрланган саримсоқ

шарбатидан 10—15 томчисини илқ сут билан овқатдан олдин кунига 2—3 марта ичиб юриш фойдалидир.

Уй шароитида қилиниши мумкин бўлган бу муолажа-ларни албатта, шифокор билан маслаҳатлашиб бажариш керак.

ХАСТАЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Ҳар қандай касалликни даволагандан кўра олдини олган афзал. Гижжаларни юқтириб олмаслик учун, аввало, шахсий гигиенага қатъий риоя қилиш керак. Уй ҳайвонлари — ит ва мушуклар билан муносабатда жуда эҳтиёткорлик яхшидир. Чунки бу ҳайвонлар одам гижжаларининг асосий манбаи ҳисобланади. Ит ва мушуклар вақти-вақти билан ветеринар кўриғи ҳамда гижжага қарши текширувдан ўтказилиши лозим. Касалликни юқтириб олмаслик учун овқатланишдан олдин қўлни совуналб ювиш, қўқатларни истеъмол қилишдан олдин қайноқ сувга бир муддат солиб қўйиш, шунингдек, очиқ сув ҳавзаларидагидан сувдан ичмаслик керак.

Гижжалар билан кура-ишнинг самарали йўллари-дан бири аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш ҳисобланади. Илқ ёшдан оқ болаларни шахсий гигиена қоидаларига ўргатиш лозим. Агар оила аъзоларидан бирида касаллик аломатлари сезилса, гижжага қарши текширилиши ва зарур бўлса, даволалиши керак. Оилавий поликлиника шифокорлари маслаҳатига кўра, гижжага қарши кураишнинг асосий тадбирларини амалга ошириш лозим. Хоналарнинг ҳавосини алмаштириш, нам латта билан артиш, кийим-кечак, кўрпа-тўшаларни тез-тез ювиб, дазмоллаш, тирноқларни вақтида олиш, умуман санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш шарт.

Ражаббой МАШАРИПОВ,
тиббиёт фанлари
доктори

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

у билан шуғулланган бола ҳаракатчан ва эпчил бўлади, касалликка чалинмайди

Болангизда спорт билан шуғулланишга ҳоҳиш пайдо бўлгани катта қувонч. Унинг қайси спорт тури билан шуғулланишни истайганини билгач, албатта, қўлдан ушлаб тўғаракларга олиб бориң. Спорт билан шуғулланган инсон ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмаслигини яхшилаб тушунтириң. Агар фарзандиңиз «спорт қироличаси» дея эътироф этилувчи енгил атлетикага қизиқиб қолган бўлса, мазкур мақоладан ўзингизга керак-ли маълумотларни олишингиз мумкин.

Аслида, бола юра бошлаганидаёқ беихтиёр енгил атлетика билан шуғулланишга киришади. Ота-оналар фарзандининг спортнинг бирор турига қизиқишини аниқлаб олишда уни синчиклаб кузатиб, сўнг жисмоний фаоллигини ҳисобга олишлари керак. Бола ҳаракатчан ва эпчил бўлса, касалликларга кам чалинади.

Енгил атлетика билан шуғулланишни 9-10 ёшдан бошлаган маъқул. Чунки 5-6 ёшларда бола организмга мураккаб физиологик машқларни юклаш нотўғри. Енгил атлетика аста-секинлик билан, босқичма-босқич тарзда тананинг барча қисмлари жисмонан бақувват бўлиб ривожланишига хизмат қилади. Машғуллотда қўл, оёқ, елка

Эстафета ўйинларида болаларнинг етакчилик қобилияти шаклланади. Жамоавий мусобақада эришилган кичик муваффақият ҳам болаларга чексиз қувонч бағишлайди. Энг муҳими, енгил атлетика билан шуғулланган болалар камдан-кам ҳолларда жароҳат олиши мумкин. Шу боис ҳам айни кунларда аксарият ота-оналар фарзандларининг аввал енгил атлети-

ни машғуллотга илк бор олиб келган ота-оналарнинг кўпчилиги енгил атлетика билан шуғулланишдан олдин фарзанди тиббий текширувдан ўтказилганда нимжон, қони кам, иштаҳаси йўқ эканини айтишди. Мунтазам машғуллотлар ўтказилгач, улар аста-секин чиникаётган боласининг қамоллини кўриб қувонишади.

Ишонасизми, яқинда 95 ёшли бир отахон инсультни бошидан ўтказгач, айнан енгил атлетика машғуллотларига таяниб, соғлигини анча яхшилаб олганини кўрганман. Уни безовта қилаётган одатий бош оғриғи, юрак санчиклари ҳам оддийгина югуриш натижа-сида йўқолиб кетибди.

— Енгил атлетика бўйича мактаб шароитидаги дарс машғуллотлари одат-

кенг тарқалган. Спортча юриш оддий юришга нисбатан фарқ қилади. Тизза бўлимасдан қадамлаб юриш 3 дан 50 км масофага давом этиши мумкин.

Баъзида боланинг жисмоний тайёргарлиги яхши бўлса-да, руҳий тайёргарлиги оксайди. Буни айрим болаларнинг машғуллот пайтида жуда яхши натижа кўрсатиб, мусобақаларга борганда ҳаяжон ва кўркүв туфайли ўзларини йўқотиб қўйишларида кўриш мумкин. Ана шундай вазиятни тўғри таҳлил қилган ҳолда, мураббий шогирдини руҳан тарбиялаши, унда ўзига бўлган ишончини ўстириши талаб этилади.

— Болалигимдан ота-онам бўш вақтларим мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида спорт билан шуғулланишим учун шароит яратиб берган, — дейди ёш енгил атлетикачи, Миробод саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дониёр Солиев. — Узунликка сакраш ҳамда уч хатлаб сакрашни жуда хуш кўраман. Аслида, узоқни яхши кўра олмангуним туфайли шифокорлар ушбу спорт тури билан шуғулланишни таққиллашмоқчи ҳам бўлишган. Бироқ уларга спортсиз ҳаётимни тасаввур қилолмаслигини айтиб, машғуллотларни давом эттирдим.

Хали ҳам ёдимда, 2013 йили Франциянинг Лион шаҳрида жаҳон чемпионати ўтказилди. Қалбимда кўркүв ва ҳаяжон. Паралимпиячи спортчилар орасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилдим. Ушундай уч хатлаб сакрашда фаолиятимдаги энг яхши кўрсаткичга эришдим. 15 метрга 6 см.га сакрадим. Биласизми, айнан шундай натижаларга эришганимиз бир кун келиб сизни руҳий тушунликлардан, мураккаб вазиятлардан олиб чиқади. Бугун мусобақаларда худди машғуллотлардагидек ўзимни енгил ҳис қиламан, ортиқча ҳаяжонга берилмайман — натижаларим ҳам шунга яраша бўлмоқда. Ҳозир 2016 йили Рио-де-Жанейрода ўтказиладиган паралимпия ўйинларига қизғин ҳозирлик кўраяман.

Қисқаси, енгил атлетика билан шуғулланган бола аввало соғлом турмуш тарзига риоя қилишга ўрганади. Катъий интизом, тартиб деган тушунчалар қамолотга етишининг энг муҳим шарти эканини англайди. Кучи ва тафаккурини, бебаҳо вақтини самарали сарфлайди, бор кучи билан юксак чўққиларга интилади. Зеро, спорт болаларда ватанпарварлик каби юксак туғйи билан бирга, ҳушёрлик ва масъулиятнинг шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Одина ҚУЛМУРОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг навбатдаги «Баркамол авлод» мусобақалари дастурига киритилган 16та спорт туридан 5та — бокс, эркин кураш, юнон-рум кураши, дзюдо ва тазквондо бахслари Наманган шаҳридаги Олий спорт маҳорати мактабиде бўлиб ўтади.

Мазкур иншоотда 2000 йил Наманганда ўтказилган Универсиада ўйинларининг бир неча спорт тури бўйича беллашувлар ўтказилган эди.

Жорий йилда иншоотда кенг қўламли ишлар амал-

СПОРТ КОШОНАСИ МУСОБАҚАГА ШАЙ

га оширилди. «Баркамол авлод-2014» мусобақаларига тараддул муносабати билан олий спорт маҳорати мактабидеги мавжуд 3та 36х18 ҳажмдаги спорт зали, кийиниш ва ювиниш ҳамда спортчиларнинг машқ ва бахслардан бўш вақтларида хордик чиқарадиган хоналарида таъмирлаш-пардозлаш ишлари бажарилиб, бунинг учун жами 529 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, сантехника тизими, электр тармоқлари янгиланди ва таъмирланди. Мазкур ҳудуддаги энг кўркам бино қиёфасини олган спорт кошонасини безашга Наманганнинг энг малакали курувчилари жалб этилди. Шу кунларда бу ерда ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш тадбирлари жадал суръатларда олиб борилапти.

— Олий спорт маҳорати мактабининг 37 нафар мураббий ва техник ходими нафақат бино олди, балки атрофдаги ҳудудларда ҳам ёш спортчиларимизга манзур бўладиган манзара, ҳиббон ҳамда гулзорлар барпо этишда фаол иштирок этишмоқда, — дейди муассаса директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Низомиёв Аҳмедов.

Ўтган йилларда қўллаб-қувватлаш мусобақаларига мезбонлик қилган спорт мажмуасида яратилган қўлайлик ва шароитлар «Баркамол авлод» беллашувлари иштирокчиларининг юксак марраларни эгаллашида муҳим омил бўлади, дейишга асос бор.

Ғанишер АКБАРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Наманган вилояти

ТУРДИХОН ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

Бугун ёш бўлишига қарамай, халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларимизга ҳавас қилмайдиган одамни учратиш қийин. Айниқса, мураккаб спорт турларидан бири бўлган — спорт гимнастикаси борасида майдонга дадил чиқиб, кучли рақиблардан ҳайқимай, ўз олдига қўйган мақсад томон интилаётган ва орсусига эришаётган ўғил-қизларимиз миллионлар қалбларига қувонч бағишлайди.

Тошкентда ўтказилган спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ва кизлар ўртасида Осиё чемпионатида ҳам ана шундай ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бораётганига амин бўлдик. Халқаро гимнастика федерацияси кўмағида Осиё гимнастика иттифоқи, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси томонидан ташкил этилиб, Осиёнинг 22 давлатидан 266 нафар спортчи қатнашган йирик беллашувларнинг ўсмирлар ўртасидаги жамоавий кўпкураш бахсларида Темур Қодиров, Элёр Исмолов, Азиз Саидмуратов, Мирабзал Фозилов ва Ҳамид Содиковдан иборат терма жамоамиз (236,5 балл) бронза медалига эга бўлди. Кизлар ўртасида-

ги жамоавий кўпкурашларда эса Турдихон Исмолова, Ксения Ким, Вероника Орлова, Линара Сулаймонова, Элвара Юрьева биргаликда 3-ўринни банд этди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, мазкур нуфузли чемпионатда юртимизда порлаётган янги юлдуз номи қўллаб-қувватлаш мутахассисларни сергак тортириб қўйди. У — Турдихон Исмоловадир. Осиё чемпионатининг алоҳида йўналишлари бўйича финал бахсларида қатнашиб, 14,075 балл эвазига олтин медал билан тақдирланган Турдихонга гимнастика борасида дунёга дарс берувчи — японлардан тортиб, хитойликларгача ўрнидан туриб қарсак чалди.

Ушбу мусобақада голиб ва совриндор бўлган спортчиларимиз шу йилнинг 16—28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўладиган II Олимпия ўйинлари йўналишларини ҳам қўлга киритишди.

Гимнастикачиларимиз мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз устида ишлаб, маҳоратини янада оширади ҳамда ёзда ўтказиладиган йирик мусобақада ҳам, албатта, муҳлисларни ҳушуд этди, деган умиддамиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири



ва бутун тана бирдек ҳаракатда бўлади.

— Ҳаракат — жон озиғи, у танага куч ва шижоат бағишлайди, — дейди Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ўқувчиси профессор Клара Шокиржоновна. — Ўқушлар югурганда организмда қон айланиши, миёга кислороднинг етиб бориши яхшиланади. Енгил атлетика машқлари фикрлаш қобилиятини ҳам ўстиради. Фақат машқнинг ҳажми, шиддатини шуғулланувчининг ёши ва жисмоний имкониятларидан келиб чиқиб белгиллаш мақсада мувофиқ. Шунингдек, мунтазам машқлар мушакларни кучга тўлдирди. Бу эса, ўз навбатида, болаларнинг иммунитетини мустаҳкамлайди.

Мураббий болани енгил атлетиканинг бирор турига мослаштиришда унинг тана тузилиши, бўйи, оғирлиги каби жисмоний кўрсаткичларини ҳисобга олади. Агар боланинг бўйи баланд, оёқлари узун бўлса, унда узунлик ва баландликка яхши сарқовчи, вазни енгил ва паст бўйилардан эса моҳир спринтерлар (яъни узок масофаларга югурувчи) чиқиши мумкин.

Sport — salomatlik garovi

ка билан шуғулланишлари нистамоқда.

— Енгил атлетика исталган ёшда шуғулланиш мумкин бўлган оптимал спорт турларидан бири, — дейди Республика олимпия заҳиралари коллежи

да уч қисм: тайёрлов, асосий ва якуний қисмдан иборат, — дейди Республика олимпия заҳиралари коллежи мураббийи Олег Норматов. — Машғуллот умумривожлантирувчи машқлар билан бошланади. Унда болалар югуради, сакрайди, теннис ёки унча оғир бўлмаган бошқа тўпларни узоқ ва яқин масофаларга улоқтиради. Сўнг мураббий енгил атлетиканинг бирор туридаги янги машқни аввал назарий тушунтириб, ҳаракатни амалиётда тўғри бажариш техникасини кўрсатиб беради. Дастлаб ривожлантирувчи машқларда тобланган бола учун кейинги босқичда махсус мураккаб машқларни ўлаштириш қийинчилик туғдирмайди.

12—15 ёшгача бўлган даврда шуғулланувчи бола ушбу спорт турининг барча йўналишларида ўзини синиб кўриш имконига эга бўлиб, машғуллотлар кўпкураш шаклида олиб борилади. Кейинчалик махсус тайёргарлик асосида енгил атлетиканинг маълум бир турига йўналтирувчи махсус машқлар қўйилади. Машғуллотнинг энг муҳим босқичи махсус ва умумий тайёргарлиқни ривожлантириш усуллари. Умумий тайёргарликда организм учун муҳим барча жисмоний сифатларни ривожлантириш машқлари бажарилса, спортчининг умумий физиологик ҳолати яхшиланади. Махсус тайёргарлик машқларида тананинг қайсидир қисми, масалан, қўл, оёқ мушакларини ривожлантиришга ургу берилди.

Умуман, енгил атлетикада ҳар бир машқ ўз физиологик характериға эга. Масалан, сакраш техникасида югуриб келиб баландликка сакраш, узунликка сакраш, уч хатлаб сакраш ва лангарчўп билан сакраш каби усуллар

Биласизми, болалари-

ҚўЛЛАРИМДА КўНГЛИМНИ ЯРАТГАНМАН...

Аёлни улуғловчи ҳайкалтарош ҳақидаги афсонавий ҳақиқат

(Давоми. Боши 11-бетда.)

Орага узоқ сукут чўкди. Ички кираётганимда у "Хаммаси яхши бўлади" дея кузатиб қолди. Бу далда миямда такрор-такрор жаранглай берди. "Хаммаси яхши бўлади". Хайрият!

Бахт бойликда эмас, соғлиқда. Гўзалликдан лаззатлана олганлар, ўзини асабийлашишдан асраганлар бахтли инсонлар саналаркан...

ЯНА ИЖОДГА КАЙТИБ...

Хунар — халқники. Фантазияга таяниб ҳар ким гўзалликни ўзича кўради. Одам нима кўрса чўқилайдиган товук эмас. Кўрганига асосланиб фикрлаш, бир томондан нотўғри, айниқса, ижодкор одам бундай қилолмайди. Халқдаги яратиш керак. Расомлардан бири "Табиатга қараб ишласам, ўхшатолмайман", деб айтганида теран маъно бор. Ижоднинг биринчи талаби — бетакрорлик. Масалан, одам вужуди қандай мукаммал яратилган мажмуа. Дунёда бир-бирига мулақо ўхшайдиган икки одамни топиш қийин. Ижод ҳам шундай — ўзгача ва камчиликсиз

бўлиши керак. Ижоднинг ногирон бўлса, томошабин қалбини яралайсан.

Биз бой маданий мерос эгаларимиз. Унинг қонунларини икир-чикиригача ўрганиб, тасвирий санъатнинг янги эшигини очган Матисс, Гогенлардан ибрат олиб, бугунги кун тасвирий санъатини яратсак, яхши бўларди. Чунки биз-



да ҳалигача қадимги юнон санъати қонунларидан фойдаланиб, шуларга таяниб дарсликлар яратилмоқда. Академизм йўли, шубҳасиз, буюк йўл, аммо ўзимизнинг ҳам буюк тасвирий санъатимиз бор. Уларни теран ўрганиш лозим. Зардуштийлик, Навоий, Бехзод даври тасвирий санъатига назар ташласак, уларнинг ўз қонунлари бўлган. Шу қатори халқимизнинг озғани адабиётида, жумладан, достонларда гўзаллар айқин ва зўр таърифланади: юзи ойдек, қоши ёйдек, кўзи хумор, юпка дудок, бодомқовок. Шу сифатларнинг тўғри эканлигини Болалитепа, Афросиёб, Тупроққалъа каби тарихий жойлардаги подшоҳ саройлари деворларига солинган расмлар ҳам тасдиқлайди.

САДОҚАТИМ САБАБИ

Ҳар қандай нарасада, ҳаттоки йўлда ётган оддий тошда

ҳам ҳикмат яширин. Одамлар ўз характери ва кайфиятига боғлиқ предметларга турлича муносабатда бўлишади. Кимдир тошни айланиб ўтиши, кимдир тепиб кетиши, кимдир бу бошқаларга зарар етказиши мумкин деб бир чеккага олиб қўйиши мумкин.

Анча йиллар муқаддам Эски Урганча борганимда бир тош олиб қайтганман. Бу ноёб тош. Денгиз қаъридаги қум ва балиқ суякларини аралашмасидан ялтироқ тош пайдо бўлган. Ана шундай тошлардан саройга устунлар ишланган. Вақт ўтиши билан сарой бузилиб, устунлар қулаган. Мен шу кичик устун бўлагидан кўна замон одамини ясадим. У тош ичидан чиқиб келаётгандек. Ясаб бўлганимдан кейин ўзим ҳам ҳайкиб кетганман. Унинг ёши меникидан улуғ, балки бу тошга Беруний кўли теккандир...

Иккинчи бир мисол. Ёшлигимда Тошкентга бораётиб сув ичида оқиб кетаётган ёғочни кўрдим. Бу оддий дарахт илдизи эди. Кўп йиллардан буён ўйлаб юрган образ топилиди. Манзилга етмасдан тушиб, ёғочни сувдан чиқазиб, қурийти Тошкентга олиб кетганман. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ. Аммо бир нарсани қийнайдим. Шоир Иброҳим Юсупов:

Чўпон кўлига тушса
бир олмос,
Чакмоққа харж этар
қадрини на билсин...

деб ёзганидек, кимлардир ҳеч оғринмай дарахтларни кесишади, керак эмас деб ташлаб кетишади. Хар нарсанинг қадрини устаси билади. Мени кўпчиликка танитган шу оддий дарахт илдизи Амударё тимсоли бўлиб, унга Анахита (Сув маъбудаси) деб ном берганман. Айтмоқчи бўлганим — ҳеч бир нарсани бу кераксиз деб иргитиб ташламаслик керак.

Дарахтлар турлича. Улардан ясалган ҳайкаллар ҳам. Хар бир дарахтда бир образ пинҳон. "Фаришта", "Маржонқоялар маликаси", "Соҳибжамол", "Келинчак", "Тепаликдаги қиз" каби ҳайкалларни яратишимнинг ҳам ўз тарихи бор. Умуман, ижодимнинг кўп қисми,



тўғрироғи, 99 фоизи аёл-қизлар мавзуида. Бунинг боиси, ўз онасини ардоқлаган, севгисидан вафо, садоқат, меҳр кўрган эркак бутун аёл зотиغا нисбатан муҳаббатли бўларкан. Ҳаётда энг катта бахтим — Худо мени зукко она, вафодор ёр билан сийлади.

...Тошкентда юрганимда (ўқишда) ота-онам чақиршиди. "Ёшинг анчага бориб қолди, уйланишинг керак" деб оёқ тираб туриб олишди. Қиз ҳам топишибди. Ноилжон кўндим. Қиз янгасининг уйига борганимизда қиз юзига ёруғ тушди (у пайтлари чекка қишлоқларда чироқ йўқ, шам ёқиларди). Қарасам, уч йил олдин кинотеатрдан чиққанимда кўрган ўша гўзал. У хафа кўринди, бошини кўтармади, мажбурлаб учрашувга кўнди-



ришгани аниқ эди. Умуман, гаплашмадик. Фақат чиқиб кетаётиб, кўз қири билан қаради-да, негадир тўхтаб қолди...

Мен уйланишга рози бўлдим, ухотиним Нағима Аметова) турмушга чиқишга. Биз бахтли яшадик. Унга атаб кейин ҳам кўплаб ҳайкаллар ясаганман...

Сухбатдош — Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, академик Жўлдасбек ҚУТТИМУРОВА сўзини "Ma'rifat" муҳбири Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА оққа кўчирди.

реклама • эълон

«SIRO-JIDDIN FAYZ SAVDO»

хусусий корхонаси

Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолиси учун яна бир қулайликни тақдим этади!

Корхона мебель маҳсулотлари, маиший техника буюмлари ҳамда қурилиш моллари, хусусан профнастиль, шифер, гишт, тахта, турли бўёқлар, цемент, шифт қопламалари ва бошқа турдаги қурилиш молларини

КРЕДИТГА БЕРАДИ.

Мурожаат учун телефонлар:

(+99894)
925-94-24,
(+99871)
235-71-46.



Ma'rifat

ТА'СИ ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



ИНДЕКС: 149, 150. Г-426.
Тираж 57909.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

"Ma'rifat"dan materiallarni ko'chirish bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir: qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Di'zaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Aziz NORQULOV.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxona manzili:
"Buyuk Taron" ko'chasi, 41-uy

12345

ЎЗА йқуни — 21.55
Топширди — 22.30